Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 16 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

№ 41 (6552).
Баҳоси 5 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таълим сифатини яхшилашнинг, республика олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг ижодий илмий-педагогик фаолияти учун қулай шароит яратишнинг алоҳида аҳамиятини ҳамда олий ўқув юртлари ректорларининг кенгаши таклифларини эътиборга олиб, Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Олий ўқув юртлари профессор - ўқитувчиларига 1993 йил 1 сентябрдан бошлаб лавозим окладларининг амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф жадвалига нисбатан 1 разряд оширилган янги миқдорлари белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида, олий ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлиги билан келишиб, олий ўқув юртлари педагог ходимлари барча тоифаларининг лавозим окладлари миқдорларини қайта кўриб чиқиб, мувофиқлаштирсин. Бунда илмий унвон ва илмий даражалар ҳисобга олиниб, лавозим окладлари табақалаштирилиши кўзда тутилсин.

Янги лавозим окладлари танлов натижаларига кўра, шартнома асосида ҳамда биринчи навбатда илмий унвони ва илмий даражаси бўлган педагог ходимлар учун тайинланиши белгилаб қўйилсин.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида, олий ўқув юртлари бўлган вазирлик ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб, бир муаллимга тўғри келадиган талабалар сонини камайтириш ва уларнинг нисбатини ривожланган мамлакатлардаги меъёрлар даражасига яқинлаштириш тадбирларини кўрсин. Шу мақсадда олий ўқув юртлари муаллимларининг дарс бериш соатларини камайтириш ҳисобига уларнинг ижодий ва илмий ишлар билан шуғулланишига кўпроқ имкониятлар ҳамда вақт бериш учун белгилаб қўйилган педагогик дарс бериш соатлари меъёрларини ва муаллимлар билан талабалар сони нисбатини қайта кўриб чиқсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олий ўқув юртларининг ҳозир белгиланган педагог ходимларига иш ҳақини кўпайтириш учун зарур маблағни қўшимча равишда ажратсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари ўртоқ М. Қорабоев зиммасига юклатилсин.

Вазирлар маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри.

Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги «Гулистон» 35-ўрта мактабининг четтили ўқитувчиси Адҳамжон Маҳмудалиевни ҳамкасблари тажрибали педагог, моҳир тарбиячи сифатида ҳурмат қилишади. Унинг дарслари ҳамиша қизиқарли, сермазмун, кўргазмали қуроллар воситасида ўтади. Яқинда А. Маҳмудалиев «Ўқитувчи-93» кўрик-танловининг ғолиби бўлди.

Суратда моҳир ўқитувчининг очиқ дарси муҳокамаси ўтаётган пайт.

У. ҚУШВОҚОВ суратга олган.

Долзарб мавзу

ХОНА ШИНАМ, ДИЛ РАВШАН

⊙ МАКТАБ БИНОЛАРИ ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ.

⊙ ДАРСЛИК, ҚЎЛЛАНМА ВА КИТОБЛАР ЭГАЛАРИГА ЕТКАЗИЛАЕТИР.

⊙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИГА ҲОЗИРЛИК.

Таълим-тарбия соҳасида келгусидаги муваффақиятларга замин ҳозирлаш янги ўқув йилига пухта тайёргарликдан бошланади. Буни эътиборга олган Ш. Рашидов туманидаги мактабларнинг педагогик жамоалари ўқув масканларини таъмирлашга, янги ўқув йили билан боғлиқ бўлган режадаги ишларни барвақт уддалашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Куни-кеча туман халқ таълими бўлимига ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг директори Султон Холмуродов, Охунбобоев номли 1-мактаб бирлашма директори Мирза Бобожонов, 19-бошланғич мактаб директори Унсуной Йўлчибоева, 12-мактаб директори Надежда Большакова-лар ўз педагогик жамоалари синф хоналари, фан кабинетлари ва устахоналарни тўла сифатли таъмирдан чиқариб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Бу педагогик жамоалар таъмирлаш ишларини қисқа муддатда қандай адо этишди, деган савол туғилиши табиийдир. Аввало ушбу мактабларда ўтган ўқув йилининг бошиданоқ мактаб биносини, унинг барча жиҳозлару ашёларни сақлашга катта эътибор берилди. Бу борада ўқитувчи ва тарбиячилар жамоат мулкини эҳтиётлаб сақлаш, фарроцлар меҳнатини қадрлаш ватанпарварлик хислати эканлигини ҳар бир ўғил-қизга етказа билдилар. Натижада синф хоналари ва ўқув ашёлари яхши сақланди. Бу эса таъмирлаш ишларини педагогик жамоа томонидан қисқа муддатларда адо этиш имконини берди.

Шу кеча-кундузда тумандаги билим ва тарбия масканларида ҳам жорий, ҳам капитал таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Янги ўқув йилига қадар туманда 20 та мактаб, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, ўсмирлар уйи, 5 та болалар боғчаси сифатли таъмирланади.

Педагогик жамоаларда янги ўқув йилига ҳозирлик кўришнинг бошқа тадбирлари ҳам ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Мактабларга 2890 нусха бадиий адабиёт, 9650 нусха дарслик, 297 нусха турли дидактик адабиётлар олинади. Ҳозир бу китобларнинг талайгина қисми мактаб кутубхоналарига келтирилди. Кутубхона фонди услубчиси Сулаймон Шербеков томонидан дарслик ва адабиётларнинг дастлабки нусхалари мактабларга тарқатилмоқда.

Ёз ойларида 470 дан зиёд ўқитувчи ЭҲМни адабиётга, математикага, бошланғич таълимга татбиқ этиш юзасидан қисқа муддатли мақсадли курс машғулотларини ўтайдилар. Бундан ташқари бошланғич таълим, математика, одобнома, инсон ва жамият ўқув курсларидан маърузачилар гуруҳи учун ҳам ўқитувчилар махсус курсда сабоқ оладилар. Шунингдек, ёз ойларида ЭҲМни ўқув жараёнига жорий этиш бўйича доимий ҳаракатдаги семинар фаолият кўрсатади.

Ўқитувчиларнинг август кенгашларига ҳам туманда тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу йил ҳам республика Ўқув-методика маркази услубчилари билан ҳамкорликда ноанъанавий педагоглар кенгашини ўтказиш режалаштирилган. Бу кенгашда 13 та фан бўйича шўъбаларда иш олиб борилади, илғор тажрибалар оммалаштирилади, янги ижодий изланишларга йўриқномалар берилади.

Умуман, янги ўқув йилига тайёргарликни қанчалик пухта ўтказсак, келгусидаги муваффақиятларимизга шунчалик мустаҳкам замин яратилади, деб ўйлаймиз.

Абдутолиб БОЙЖИГИТОВ,
Сирдарё вилояти Ш. Рашидов тумани халқ таълими бўлими услубшунослик кабинети мудири.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Ўзбекистон олий ўқув юртларида қизғин давр бошланди — кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил имтиҳонлар тест усулида ўтади. Республикадаги барча олий ўқув юртлари 20 июндан 15 июлгача толиблардан ҳужжатларни қабул қилиб оладилар. 16 июлдан эса мусиқий, бадиий йўналишдаги касбни танлаганлар учун дастлабки имтиҳонлар бошланади. Бўлажак журналистлар, артистлар, режиссёрлар, бир қанча бошқа касб вакиллари тест синовлари бошланмасдан олдин қўшимча равишда ижодий имтиҳон топширадилар. Талабаларни тест усулида саралаб олиш муддатлари ҳам аниқланди. 26 июлда бундай синовлар олдин олий ўқув юртларининг сиртқи ва кечки бўлимларида, 31 июлда эса кундузги бўлимларда ўтади.

Республиканинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги олий ўқув юртлари қабул комиссияларининг масъул котиблари ана шу тартиб билан таништирилди, улар Тошкентда ўтказилган икки кунлик семинарда қатнашдилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Ўзбекистон олий ўқув юртларига толибларни саралаб олиш республика маркази уюштирган бу семинар тест синовини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланди.

Республикада олий таълим нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилгани семинарда таъкидлаб ўтилди. «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилинди, уни амалда рўёбга чиқариш ишлари бошланди. Таълимни ривожлантиришни таъминлайдиган сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий чоралар тизимини, шунингдек, ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ бир қанча умуммиллий, дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга киришилди.

Республикада ёшларга таълим бериш масалаларига давлат сиёсати, деб қаралаётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, истеъдодли йигитлар ва қизларни саралаб олиш ва уларга таълим беришга қаратилган тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган. Тест синови тизими ҳам шу мақсадга қаратилган бўлиб, бу усул бир қанча олий ўқув юртларида тажриба сифатида синовдан ўтди, мактабларда ҳам жорий этилмоқда. Бу янгилик бўлажак мутахассислар, ўқувчилар билимига ва тайёргарлик даражасига, муаллимларнинг иши сифатига янада холис баҳо беришга имконият яратди.

Ўзбекистон олий ўқув юртларида бўлажак талабаларни тест усулида саралаб олишга ўтиш чоғида таълим сиёсати соҳасида олдинги ўринларда турган кўп мамлакатлар тажрибаси ўрганилди.

Семинар қатнашчилари республика олий ўқув юртларида ҳужжатларни қабул қилиб олиш, бўлажак талабаларни саралаб олиш учун тест синовини ўтказиш муддатлари ва тартибини муҳокама қилдилар, улар олий ўқув юртларига кирувчилар учун мутахассисликлар рўйхати ҳамда тест синовлари бўйича тегишли фанлар мажмуи билан таништирилди.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев, Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Республика талаба танлов марказининг директори М. Қурбонов иштирок этдилар.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Миср Араб Республикаси Олий таълим вазирлиги ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик доирасида яна бир амалий қадам қўйилди.

Миср Араб Республикаси Олий таълим вазири ўринбосари Форуқ Абдулфаттоҳ, вазирликнинг хориждаги маданий марказлар бош директори Ҳасан Абдулҳалим, Мисрнинг Москвадаги элчихонаси маданият маслаҳатчиси Набил Наггарлардан иборат делегациянинг Тошкентга қилган ташрифи чоғида пойтахтимизда Миср фан ва таълим маркази очиш ҳақида битим имзоланди.

Миср делегациясини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлари қабул қилди. Меҳмонлар Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари, Тошкент давлат шарқшунослик институти билан яқиндан танишдилар.

— Яқин кунларда Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси очилишини интизорлик билан кутяпмиз, — дейди доктор Набил Наггар. — Миср маданият маркази Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Тошкентда очилиши бизни қувонтиради.

Шу кунларда Мисрдан яна бир хушхабар олинди. Энг қадимий олий ўқув даргоҳи — Ал-Азҳар университетига Тошкент давлат шарқшунослик институтнинг 39 нафар талабаси қабул қилинганлиги маълум бўлди. Бу талабалар яқин кунларда Мисрга борадилар ва ўзлари учун ҳозирланган махсус курсларда тайёргарлик кўргач, ўқув йили бошидан ўз мутахассисликлари — иқтисод, халқаро муносабатлар, Шарқ маданияти ва тарихи ҳамда араб филологияси бўйича ўқишни давом эттирадилар.

М. САЙДМУРОДОВ.

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

Тошкент давлат дорилфунуни қошидаги С. Ҳ. Сирожиддинов номли лицейда кабинетлар дид билан безатилган. Йил бошида ўтказилган тест ва суҳбат тариқасидаги синов натижаларига мувофиқ жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида саралаб олинган иқтидорли йигит-қизлар мазкур даргоҳ толибларидир. Лицей дастлабки фаолиятини физика-математика фанларини чуқур ўргатишдан бошлаган. Кейинчалик 1986 йилдан кимёгарлар, 1991 йилдан биологлар гуруҳлари ҳам ташкил топиб, эндиликда ўқувчилар тўрт йўналишда таҳсил олмоқдалар.

Лицей директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент, АҚШ математика жамиятининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Мирфозил Мирзаҳмедовни математика фанидан толиблардан имтиҳон олаётган пайтида учратдик.

— Халқимиз истиқлолни қўлга киритиб, педагоглар-имиз зиммасига кўплаб масъулиятли вазифаларни юклади. Жумҳуриятимизнинг хорижий давлатлар билан кундан-кун ривож топаётган дипломатик алоқалари бугунги кун ўқувчисидан ўз билим савиясини чет тилларда ҳам баён эта билишлари лозимлигини кўрсатмоқда.

Домла билан суҳбатимиз шу тариқа бошланган эдики, бир бола кабинетга киришга рухсат сўради.

— Отабек ЖУМАЕВ, бухоролик. Қоракўл туманидан, — деб таништирди Мирфозил ака. — Икки йил Қоракўлдаги 164-махсус мактабда таҳсил олган. Аслида биз 8-синфдан қабул қиламиз. Аммо Отабекни 11-синфдан олдик. Чунки 8-, 9-синфларда вилоят ва республика математика олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган. Зеҳни ўткир бола.

Мирфозил ака ўқувчиларнинг хорижий тилларда ёзган тест жавоблари, реферат ва докладларини кўрсатди. Толиблар яқинда ўтказиладиган илмий конференцияга тараддуд кўраётган эканлар.

— Модомики, лицейимизнинг мақсади одатдаги мактаблардан фарқли, фанларни чуқур ўргатишга қаратилган экан, — дейди директор сўзида давом этиб, — зиё масканимизда ўқиган толиб табиий фанларга оид илмий атамаларнинг хорижий тиллардаги ўқилиши ва ёзилишини ҳам билиши даркор.

Лицейда ўз соҳасини чуқур биладиган Абдураҳим Сандов, Шоҳида Отабекова каби педагоглар кўп. Айниқса, рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ш. Отабековани ўз соҳаси сабоғини ўқитиш борасидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Муаллиманинг 9—11-синфлар учун яратган «Илмий атамалар (лицей ўқув дастури доирасидаги минимум) луғати» асари ўқувчиларга фанни ўзлаштиришда қўл келиши табиий. Лицейда кадрларни жой-жойига қўйиш, ўқитиш натижадорлигини оширишга яхши эътибор берилган. ТошДД ва Фанлар академиясининг беш нафар фан доктори, ўнлаб фан номзодлари бу ерда сабоқ бермоқдалар.

Ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал шахс сифатида тарбиялаш давр талабидир. Ана шу эзгу талаб йўлида жумҳуриятимизда фаолият кўрсатаётган ихтисосли лицейлар, махсус мактабларни келажакда яхши натижалар кутаётгани аниқ.

Дилфуза ДАМИН қизи.

«ШАРҚ—МОВИЙ ИЛМ ДАРАХТИ...»

Марказий Осиё ва қадимий Шарқ мамлакатлари битмас-туганмас илм-фан чаманларидир.

Дарҳақиқат, Италиянинг машҳур классик шоири Данте буюк жуғроф ва астроном Аҳмад ал-Фарғонийни ўз асарларида қайта-қайта устозим деб таъкидлаган. Дантенинг устози, машҳур немис олими Гердер эса:

«...Араб — мусулмон фани улкан бир мовий илм дарахти бўлса, Оврупо унинг илдизларидан униб чиқди» дея эътироф этганди.

Ана шу «илм дарахти»нинг ноёб мевалари бўлмиш Ўрта Осиё ва Шарқ олимлари, муарриху фозиллари, машойиқу авлиёлари томонидан яратилган ноёб асарлар ўтмишда босқинчилар томонидан ўғрилаб кетилди, кўплари талон-тарож қилинди.

Республикамиз мустақиллик йўлига киргач, ўтмиш маданий мероси ва миллий қадриятларни ўрганиш, уларни бугунги авлодга қайтариш юзасидан жиддий ишлар бошлаб юборилди. Бобокалон донишмандларимизнинг илм-фан, маданият, тарих, фалсафа, одоб-ахлоққа доир асарларининг кўплари нашр қилинди ва илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 50 йиллиги муносабати билан шу йилнинг 14—15 июнь кунлари ёш шарқшунос олимларнинг олтинчи илмий анжумани шу долзарб масалага бағишланди. Йиғилишни Шарқшунослик институти директори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Музаффар Хайруллаев қисқача кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда 20 га яқин ёш олимнинг ўзбек ва рус тилларида илмий маърузалари тингланди. Ғ. Каримовнинг «Мунираддин Натанзийнинг «Мунтаҳаб ут-таворих» асарида 1365 йилдаги Самарқанд сарбадорлари қўзғолонининг ёритилиши», Б. Бобожоновнинг «Нақшбандий ва Яссавийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари», Б. Йўлдошевнинг «XVII аср биринчи ярмида Бобурийлар империясининг дипломатик ва савдо алоқалари», Б. Абдухалиловнинг «Улуғбек ва унинг мактаби олимлари», Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» асари», Ш. Тилавовнинг «XIX аср бошларида Бухоро хонлигига мактубларнинг ўзига хос қиммати» сингари маърузалари йиғилиш қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. О. Қориевнинг «Оврупо исломшунослигида методология масаласига доир», И. Элмуродовнинг «Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжам ал-удабо» асаридаги шеърий парчаларни ўрганиш хусусида»ги чиқишларида шарқшуносликда ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган, янги фикрлар айтилди. Шунингдек, ёш олимлардан Б. Эрматов, Н. Жабборов, Х. Бўриев, М. Абдураззоқова ва бошқаларнинг чиқишларида ҳам ўрганилиши лозим бўлган бир қанча илмий муаммолар олға сурилди.

Анжуманда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти Иброҳим Искандаров қатнашди.

А. АЛИ,
ўз мухбиримиз.

ҚЎШ ҚУВОНЧ

Бухоро вилояти Бухоро туманидаги Ўрта Осиё жамоа хўжалигидаги Давлатобод қишлоғида янги боғча ва мактаб биноси ишга тушди. Янги бинони таъмирлаш ишларини муҳандис С. Ҳакимов раҳбарлигидаги қурувчилар бажаришди.

Шу куни Ўзбекистон жамоа хўжалигидаги Митона қишлоғида ҳам 42-мактаббоғча биноси фойдаланишга топширилди. Тантаналарда республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Баҳронова ва бошқалар қатнашдилар.

Т. АББОСОВ.

ЧЕТ ТИЛИНИ КИМ ЯХШИ БИЛАДИ?

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга танилаётган ҳозирги пайтда республика ёшларининг чет тилини ўрганишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боисдан умумтаълим мактабларида чет тиллари ўқитилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўқувчиларнинг ўзга халқлар тилларини билишга қизиқишларини ошириш, келгусида лицейларда таҳсил кўра оладиган ўқувчиларни аниқлаш, олимпиадаларга резерв ўқувчиларни тайёрлаш мақсадида Андижон вилоятида «Ким чет тилларда яхши мулоқотда бўла олади?» кўрик танлови ўтказилди. Бу тадбирни вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда халқ таълими ва фан ходимлари вилоят касаба уюшма қўмитаси ва Ўзбекистон болалар жамғармасининг вилоят бўлимлари ҳамкорликда ташкил этдилар.

Кўрик-танлов кўп босқичли тарзда аввал мактабларда, кейин туман ва шаҳарларда, сўнг белгиланган зоналарда ўтказилиб, якунловчи босқичи вилоят миқёсида ташкил этилди.

Кўрик-танловга 22 команда қатнашди. Ҳар бир босқичнинг ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланди. Булоқбоши, Жалолқудуқ, Шаҳрихон, Хўжаобод туманлари, Марҳамат ва Асака шаҳарларининг командалари фахрли ўринларни эгалладилар ҳамда 23350 сўм пул мукофоти, диплом, фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Чет тили ўқитувчиларининг хизматлари ҳам муносиб тақдирланди. Жалолқудуқдаги 7-мактаб немис тили ўқитувчиси М. Тожибоев, Марҳамат шаҳридаги 1-мактаб француз тили ўқитувчиси Д. Аюповаларга халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг даволаниш масканларига бепул йўлланмалари берилди. Шаҳрихондаги 31-мактаб француз тили ўқитувчиси У. Камолов, Булоқбошидаги 27-мактаб ўқитувчиси Ҳ. Мадиёров, Асака шаҳридаги 8-мактаб инглиз тили ўқитувчиси М. Жўраеваларга Ўзбекистон ҳудудидаги дам олиш уйларига ҳордиқ чиқариш учун бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Чет тили фани бўйича ўтказилган кўрик-танловни келгуси йилда 6-синф ўқув дастури ҳажмида ўтказиш ҳам режалаштириб қўйилди.

Х. ЮНУСОВ,
Андижон вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти чет тиллар кабинетининг услубчиси.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Ўз умрини илм бўстонида турфа чечаклар ўстиришга, яъни ёш авлод қалбига онаюрт меҳрини жо қилиб, уларни билим сарчашмаларидан баҳраманд бўлишга ундаган истеъдодли олим, моҳир ташкилотчи ва талабчан мураббий, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби Равшан Раҳмонов туғилганига 50 йил тўлди.

Бухоро вилоятининг олис Қоракўл туманида таваллуд топган Р. Раҳмонов ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлагандан кейин баъзи тенгдошларига ўхшаб дарҳол олий ўқув юрти сари отланганини йўқ. Аввал Қоракўл қурилиш-таъмирлаш идорасида суворчи, ғишт терувчи бўлиб ишлади. У ҳалол меҳнатнинг ҳаётбахш қудратини юраклараклан ҳис этди, одамлар билан муомала қилишни, самимийликни, ҳақиқий меҳр-мурувват ва инсонпарварликни оддий кишилардан ўрганди. Меҳнат мактаби гарчи қисқа давом этган бўлса-да, бир умрга татигулик ҳаёт сабоғини берди унга.

Кейинчалик Равшан ака Самарқанд давлат дорилфунунининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб, ўз билимини чуқурлаштиришга аҳд қилди. Илмга бўлган чанқоқлик уни Тошкент сари етаклади. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кундузги аспирантурасида етук файласуф олимлардан таҳсил олди ва халқимизнинг қадимий анъаналари, миллий қадриятлари мавзусидаги илмий-тадқиқотини муваффақиятли ҳимоя қилди, фалсафа фанлари номзоди бўлди.

Ўзининг илмий фаолиятини тарғибот ва маърифат билан чамбарчас боғлаб олиб борган олим 1968-69 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти фалсафа кафедрасида ўқитувчи, 1971-76 йилларда катта ўқитувчи, доцент, 1976-83 йилларда эса шу кафедра саркори сифатида малакали педагог кадрлар тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилди.

Зукко олим ва тажрибали мураббий олий ўқув юртида ишлар экан, миллий ва байналмилал анъаналарнинг халқлар дўстлигини мустаҳкамлашдаги роли масаласига доир илмий изланишларни давом эттирди. 1980-82 йилларда собиқ Шўролар Иттифоқи Фанлар академиясининг Фалсафа институти докторантурасида илмий иши билан шуғулланди. 1983 йилда ўзининг кўп машаққатли илмий изланишларининг маҳсули — докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Р. Раҳмонов ҳам фалсафа фанининг турли муаммоларида қалам тебратган ғоят серқирра ижодкор. Унинг миллий муносабатлар, миллатларнинг ўзаро мулоқот маданиятини шакллантириш, ёшларни миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш, шунингдек, жамият ва табиат орасидаги ўзаро алоқаларнинг фалсафий муаммоларига доир бир неча монографик тадқиқотлари, ўндан зиёд рисола, юздан ортиқ илмий, илмий-методик, оммавий-публицистик мақолалари, методик қўлланма ва тавсияномалари нашр этилган. Олим қаламига мансуб «Байналмилал тарбиянинг муҳим воситаси», «Байналмилаллик ва миллий ифтихор», «Байналмилал анъаналар», «Қайта қуриш ва байналмилал тарбия» каби асарлари республикамизда яшовчи турли миллат ва элатлар орасида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни шакллантиришда, жумҳурият сиёсий-иқтисодий ҳаётидаги соғлом муҳитни мустаҳкамлашда, кўп миллатли ёш давлатимиз фуқаролари орасидаги биродарлик ришталарини янада чуқурлаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Профессор Р. Раҳмонов моҳир ташкилотчи сифатида ҳам эл-юрт эътиборини қозонган. Унинг бевосита раҳбарлиги остида 1983 йилда 3 нафар ўқитувчи билан иш бошлаган Тошкент давлат педагогика институтининг Навоий филиали бугунги кунда 200 дан ортиқ малакали ўқитувчи, фан докторлари ва фан номзодларидан иборат тўлақонли илмий-педагогик жамоага айланди. У 1983-92 йилларда шу филиал директори, 1992 йилнинг майидан эътиборан Навоий давлат педагогика институти ректори сифатида ибратли ташкилий ишларни амалга оширди. Ўтган давр мобайнида институт жамоаси халқ таълими тизими учун уч мингга яқин иқтидорли ўқитувчилар тайёрлашди. Р. Раҳмонов нафақат жонкуяр ташкилотчи, балки юқори малакали педагог, талантли олим сифатида ҳам талабаларни, институт профессор-ўқитувчилар жамоасини ўз ишига садоқатли, эл-юртга ҳалол меҳнат қилиш руҳида тарбиялашда фидойилик кўрсатмоқда.

У 1986 йилдан шу институт ижтимоий фанлар кафедрасининг профессори сифатида фалсафа фанидан маърузалар, семинар машғулотларини олиб боради. Олимнинг маъруза ва машғулотлари мароқлилиги, илмий-методик жиҳатдан юқори даражадалиги билан талабаларда катта қизиқиш уйғотади. Р. Раҳимов ўзининг педагогик иш тажрибаларини ёшларга ўргатмоқда. У устоз ва шогирд мавзуида ҳам бир қатор илмий-методик қўлланмалар ҳам чоп эттирди. Олимнинг «Фалсафа фанини ўқитиш жараёнида мустақил иш», «Жамият ўзўзидан ривожланиб борувчи система», «Сиртқи бўлимда фалсафа фани ўқитиш услубининг баъзи масалалари», «Сиртқи бўлимда фалсафа фанидан лекция ўқитиш методикаси» каби қўлланмалари ижтимоий фанлардан дарс берувчи ёш ўқитувчиларга дастуриламал бўла олади.

Р. Раҳмонов олий билим даргоҳининг илмий-техникавий заминини мустаҳкамлашга, талабаларнинг билим даражаси ва савиясини оширишга диққат-эътиборини қаратмоқда. Бевосита унинг ташаббуси билан институтда қозоқ тилида дарс берадиган ўқитувчилар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу эса Навоий вилоятининг қозоқлар жипс бўлиб яшайдиган жойларидаги мактабларни малакали ўқитувчилар билан таъминлашдек долзарб муаммонинг ҳал этилишига самарали таъсир кўрсатади. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан институтнинг янги ўқув комплекси қурилиши ҳам бошлаб юборилди

Фидойи олим, талабчан устоз сифатида малакали файласуф олимлар тайёрлаш борасида амалга оширган ишлари ҳам таҳсинга лойиқдир. Унинг бевосита раҳбарлигида номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган ёш олимлар республикамизнинг турли олий ўқув юртларида талабаларга фалсафа фанидан сабоқ бермоқдалар. Ҳозирги кунда ҳам бир қатор иқтидорли толиби илмлар домланинг раҳбарлиги остида ўз изланишларини давом эттиришаётир.

Р. Раҳмонов республика, вилоят, Навоий шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ ноиби Р. Раҳмонов парламентнинг ёшлар билан ишлаш қўмитаси ва депутатлар одоби комиссиясининг аъзосидир.

Тиниб-тинчимас, иқтидорли олим ҳамон изланишда, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат руҳида тарбиялаш йўлида қизғин меҳнат қилмоқда. Камтарин инсон, толмас тарғиботчи ва мураббий Р. Раҳмоновнинг истеъдоди ёлқини янада чароғонрок бўлишига умидвормиз.

Мунаввар ФАРМОНОВА,
Навоий давлат педагогика институти «Ўзбек ва қозоқ тиллари ҳамда адабиёти» кафедрасининг мудири.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
филология фанлари номзоди.

ҲУНАРЛИНИНГ РИЗҚИ БУТУН

Эски шаҳарнинг энг қадимий Сағбон кўчаси бўйлаб ҳар куни одамлар оқими, улов-транспортнинг эса силсилали карвони бетўхтов ўтиб туради. Бозордан чиқиб, Қўштутга қараб атиги икки бекатча йўл боссангиз, шундоққина 17-боши берк кўчада ҳали кўпчилик билиб-билмаган 26-ҳунар техника билим юрти бор. Қарийб икки йил илгари ана шу даргоҳ ва унинг ўзига хос нуфузи ҳақида илиқ гаплар эшитганим рост. Ўшандаёқ у ерга ташриф буюришни, билим юрти жамоаси ҳаёти билан яқиндан танишишни дилимга тугиб қўйгандим. Бу орада баҳор ва ёз икки бор ўрин алмашди. Йилларнинг турфа ранг камалаги Сағбон кўчасига қайта-қайта қадам қўйди.

Халқимизда топиб айтилган мақол бор: «Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал». Ана шу ниятда ҳамкасбимиз Даврон Аҳмад билан шу билим даргоҳига ташриф буюрдик. Атрофини эски шаҳарликларнинг паст-баланд иморатлари ўраган бу мўъжазгина маскан даставвал бир мўъжизадай туюлди. Аслида ҳам шундай. Кенг, маҳобатли ва баланд, лекин сирти ялтироқ, ичи қалтироқ биноларни кўп кўрганмиз. Бу эса унинг акси. Бино кўринишининг ўзиёқ мақтовини келтириб таърифлашга қаламимизга эрк бермайди. Бу ерда мозий биз билан юзма-юз тургандай. Бинонинг ҳар ғиштида, хоналарида тарих нафас олаётгандай. Демак, пойтахтимизда тарихнинг бир бўлаги яшамоқда. Бундай «бўлак»лар шаҳримизда қанчаканча бор.

Бундан қарийб йигирма йил бурун Эски шаҳарнинг ана шу қисмида ҳунар ўрганишга мойил ёшларнинг қийқириқлари, шодликлари ва жўшқинликка хос изланишлари ватан топди. Болажонларнинг хонадон остонасидан бошланган қадами мактаб йўлини омухта айлаб, уларни шу даргоҳ қучоғига чорлади. Бу борада неча бор қалдирғочлар учирма бўлди, неча бор не-не иқтидорли ёшлар уларнинг ўрнини тўлдирди.

— Билим юртимиз дастлаб Тошкент заргарлик корхонаси оталиғида ташкил топган, — дейди директор Шуҳратжон Иноятов. — Бугунги кунда бу ерда заргарлик, чинникорлик ва наққошлик бўлимлари мавжуд. Биз асосан ўзбек амалий санъатини тиклаш йўлидан бораяпмиз. Санъатнинг ана шу уч тури йўналишимизни белгилайди.

Бу ерда заргарлик ва чинникорлик гуруҳлари ташкил этилгандан буён Тошкентдаги нуфузли корхоналарга кўплаб мутахассислар йўлланма олди. Айни вақтда улар муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Чунончи, Тошкент заргарлик ва чинни заводларида касб-ҳунар эгаси бўлган кўпгина йигит-қизлар анъанани садоқат билан давом эттиришмоқда.

Дарвоқе, шу ўринда муҳтасар сўз айтиш мавриди келди. Илгарилари билим юрти қошида наққошлик тўгараги мавжуд эди. Бу тўгаракка наққошлик санъатининг билимдони, моҳир ва иқтидорли педагог Миролим Самиқов раҳбарлик қилар, у билим юрти талабалари орасида нақш бўйича ажойиб талант соҳиблари борлигидан қувонар, агар келгусида наққошлик гуруҳи ташкил этилса, имконият дарвозалари яна кенг очилишига ишонар эди. Билим юрти маъмурияти шуни ҳисобга олган ҳолда 1991 йили тажриба учун наққошлик гуруҳи очишга қарор қилди. Натижада иккита — 16 ва 17-наққошлик тажриба гуруҳлари шу тариқа юзага келди. Тажриба натижалари кўнгилдан бошланган қадами мактаб йўлини омухта айлаб, уларни шу даргоҳ қучоғига чорлади. Бу борада неча бор қалдирғочлар учирма бўлди, неча бор не-не иқтидорли ёшлар уларнинг ўрнини тўлдирди.

— Билим юртимиз дастлаб Тошкент заргарлик корхонаси оталиғида ташкил топган, — дейди директор Шуҳратжон Иноятов. — Бугунги кунда бу ерда заргарлик, чинникорлик ва наққошлик бўлимлари мавжуд. Биз асосан ўзбек амалий санъатини тиклаш йўлидан бораяпмиз. Санъатнинг ана шу уч тури йўналишимизни белгилайди.

Бу ерда заргарлик ва чинникорлик гуруҳлари ташкил этилгандан буён Тошкентдаги нуфузли корхоналарга кўплаб мутахассислар йўлланма олди. Айни вақтда улар муваффақиятли иш олиб боришмоқда. Чунончи, Тошкент заргарлик ва чинни заводларида касб-ҳунар эгаси бўлган кўпгина йигит-қизлар анъанани садоқат билан давом эттиришмоқда.

Дарвоқе, шу ўринда муҳтасар сўз айтиш мавриди келди. Илгарилари билим юрти қошида наққошлик тўгараги мавжуд эди. Бу тўгаракка наққошлик санъатининг билимдони, моҳир ва иқтидорли педагог Миролим Самиқов раҳбарлик қилар, у билим юрти талабалари орасида нақш бўйича ажойиб талант соҳиблари борлигидан қувонар, агар келгусида наққошлик гуруҳи ташкил этилса, имконият дарвозалари яна кенг очилишига ишонар эди. Билим юрти маъмурияти шуни ҳисобга олган ҳолда 1991 йили тажриба учун наққошлик гуруҳи очишга қарор қилди. Натижада иккита — 16 ва 17-наққошлик тажриба гуруҳлари шу тариқа юзага келди. Тажриба натижалари кўнгилни хушнуд этди. Ўтган йили ҳам яна битта — 26-наққошлик гуруҳига ўқувчилар қабул қилинди.

Энди қарабсизки, уларнинг бир-биридан ажойиб ишлари ўзининг муносиб баҳосини ола бошлади. Кўрик-танловларда юқори баҳоланди. Билим юрти музейида ҳам уларнинг бетакрор намуналари борки, кўриб беихтиёр ҳайратга тушасиз. Яқинда Тошкент мебель фабрикасида битирувчи наққошлик гуруҳи талабаларининг ишлари эътиборга этилди. Энди билим юрти бу қорхона билан ҳам ҳамкорлик ўрнатади. Шундай иқтидорли болажонларимиз кўплигидан қалбингиз фахр-ифтихор туйғусига тўлади. Бунда Миролим ва Мирзоҳид Самиқов сингари уста-ўқитувчиларнинг катта хизмати бор. Шунингдек, гуруҳ раҳбари Маҳсума Мусаева ва нақш устаси, педагог Зулҳумор Солиҳовалар ҳам бу борада мураббийликка монанд фидойилик кўрсатишмоқда.

Биз билим юртининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Рустам Жаъфаров ҳамкорлигида дарс ва амалий машғулотлар жараёни билан танишдик. Ў бизни заргарлик гуруҳи ўқувчилари «Махсус технология» фанидан сабоқ олаётган хонага бошлади.

— Булар 23-гуруҳ, 1-босқич талабалари, — дейди ўқитувчи Аҳмаджон Шокиров. — Бу гуруҳда 24 нафар ўқувчи бор. Шу билим юрти ташкил этилгандан буён ёшларга сабоқ бериб келаман. Уларнинг асосий қисми шаҳар мактабларидан тўппа-тўғри шу ерга келишган. Қизиқувчан, касб-ҳунар ўрганишга ғоят мойил.

Ўқувчиларнинг айримлари билан қисқача суҳбатга киришиб, барчасига битта савол билан мурожаат қилдик.

— Сизни бу ерга чорлаган асосий қизиқиш нима?

— Касб-ҳунар ўрганиш!

Дарҳақиқат, Юнусобод туманининг 271-ўрта мактабидан келган Санжар Турғунов, Шайхонтоҳур туманининг 41-мактабидан билим даргоҳида ўқишга хоҳиш билдирган Баҳодир Тўламетов ва бошқалар ҳеч иккиланмасдан шу ерда сабоқ олаётганлигидан мамнун эканликларини айтишди.

Ишлаб чиқариш усталари Оловиддин Маҳсумов билан Қўчқор Тўраевлар амалий машғулот ўтказаётган хонада янада жозибали манзара ҳукмрон. Бу ерда 22-гуруҳ, 1-босқич ўқувчилари зирак ясашнинг мураккаб жараёни бўйича ишлашаяпти. Жумладан, Бобир Исмоилов Хива зираги, Абдулла Шерматов қулфли зирак, Акбар Ғафуров тирноқли зирак ясашда устозлари билан бамаслаҳат иш олиб боришаяпти. Опа-сингилларимизнинг беназир тақинчоқлари — зираклар ёшлар қўлида санъат асарига айланаяпти.

Билим юрти ҳовлисига кираверишда ўнг қўлда ихчамгина музей хонаси бор. Бу ерга ўқувчиларнинг ўз қўллари билан ишланган турли-туман буюмлар, зираклар, суратлар ва расмлар қўйилган.

— Музейимиз 1988 йили ташкил этилган, — дейди Ш. Иноятов. — Бизни қувонтирадиган нарса шуки, не бахтки, халқ амалий санъатининг заргарлик, чинникорлик ва наққошлик турлари кейинги йилларда янада жонланиб, ўзининг қадимги нуфузига қайтмоқда. Билим даргоҳимиз эшиги касб-ҳунар эгаллашга хайрихоҳ ёшлар учун ҳамиша очиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўрта мактабни битириб келганлар заргарлик бўлимида 10 ой, 9-синф маълумоти билан келганларга 3 йил ва 2 йил, шу бўлимнинг тажриба гуруҳида эса иқтидорли ёшлар 2 йил ўқитилади. Чинникорлик бўлимимизда ҳам ўқиш 2 йил ва 3 йил. Демак, 3 йил ўқишга хайрихоҳлик билдирганлар бу ерда ўрта маълумотли ҳам бўлишади. Наққошлик гуруҳлари учун ўқиш муддати — 2 йил. Шунингдек, бизда заргарлик ва наққошлик бўлимларининг пуллик гуруҳларига ҳам ҳар йили тингловчилар қабул қилинади.

Билим юрти ҳақиқий ҳунар эгаллаш маскани эканлигига бу ерда бўлган кунимиз тўла ишонч ҳосил қилдик. Ёшларга ўз касбининг фидойилари сабоқ бераётганлигини кўриб яна бир карра қувондик. 20 нафар уста, 15 нафардан зиёд ўқитувчи 480 нафардан ошиқ талаба-ўқувчига касб-ҳунар сирларини ўргатмоқда, чуқур билим бермоқда. Ҳадемай, 9 та гуруҳдаги 200 нафардан зиёд талаба шу ердан мустақил ҳаётга йўлланма олади.

Бу даргоҳда ҳамиша ёшларнинг қайноқ ҳаёти жўш уради. Сабаби — яратувчилик, бунёдкорлик. «Ёш адабиётшунослар», «Заргарлик», «Наққошлик», «Моҳир қўллар», «Ёш чинникор» ва «Ёш астроном» сингари ўнлаб тўгараклар ана шу қайноқ ҳаётни таъминлашга хизмат қилса, спорт ва жисмоний тарбия тўгаракларида ёшлар чиниқишдан сабоқ олишади. Энг муҳими, отабололаримиз «Ҳунар — ҳунардан унар», деганларидек, келажак эгалари — ёшларимиз ҳаётий ҳунар этагидан тутиб, умидларнинг ёрқин уфқи томон пешвоз чиқаётганлигига нима етсин! Ҳунарлиларнинг эса ризқи ҳамиша бутун бўлғай!...

Абдулла ТУРДИЕВ.

Суратларда: билим юрти ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

КЕЛАЖАККА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Тошкентда Марказий Осиё давлатлари ўқувчилар техника ижодиёти муассасаларининг анжумани бўлиб ўтди. Унда Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан келган мактабдан ташқари муассасаларнинг вакиллари қатнашдилар.

Мазкур анжумандан кўзда тутилган мақсад болаларнинг қобилияти ва имкониятларини маълум бир соҳага йўналтиришдир. Ёш техниклар ижодиёти марказининг директори Г. Қорабоев, Қирғизистон ўқувчилар техник ижодиёти маркази директори Ж. Бапанова ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Сўзга чиққанлар мактабдан ташқари фаолият кўрсатувчи турли тўгаракларнинг таълим-тарбиясидаги тутган ижобий ўрни, иқтисодий йўналишдаги лабораторияларнинг ва тўгаракларни маблағ билан таъминлаш, саноат корхоналари билан ҳамкорликда иш юритаётган техник ижодиёт марказларининг фаолияти тўғрисида, база, кадрлар масаласи, миллий-амалий санъат ҳунармандчилик тўгаракларини тузиш, мактабдан ташқари муассасаларнинг ишига бўлган эътибор каби масалаларга тўхталиб ўтдилар. Бундан ташқари доимий ҳамкорликда иш олиб боришга ва анжуманда Ўзбекистон техник ижодиёти маркази асосида Марказий Осиё давлатларининг ахборот услубий марказини ташкил этишга қарор қилдилар.

Д. ТУРСУНОВ.

Соғлом авлод учун

ОЛМАЛИҚДА БИР БОҒЧА БОР

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган жисмоний тарбия зали, компьютерлар ва лингафонлар жойлаштирилган хоналар ҳам эътиборни жалб этади.

Дарҳақиқат, эртанги кун ишлаб чиқаришини компьютер ва бошқа техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан келажак эгаларини етук, билимдон, техника билан тиллаша оладиган кишилар қилиб тарбиялаш бугунги кунда таълим-тарбия мутасаддиси бўлган ҳар бир киши учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зотан, замонавий билимлар ва техникани мукаммал билмаган, ҳозирги тақчиллик даврида бошқа боғчаларда учратиш амри маҳол. Умуман, бу ерда жажжилар учун муҳайё этилган шарт-шароит ҳавас қилса арзигулик.

Боғчадаги нур билан даволаш (физиотерапея) ва жисмоний тарбия хоналари алоҳида диққатга сазовор. Даволаш хонаси ноёб аппаратлар билан жиҳозланган. Деворда осилган суратли лавҳалар шу хонада ўтказилган муолажа ишлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Тоғ-металлургия комбинатига қарашли бу боғчани кўрган кўз қувонади. Бу ерда ишчи-хизматчиларнинг 276 нафар ўғил-қизи тарбияланмоқда. 84 нафар тарбиячи ва бошқа хизматчилар улар атрофида парвона.

Комбинат республикамиздаги улкан корхоналардан бири. Бу ерда эритилиб қуйилаётган металл миллат манфаатлари учун ғоятда муҳим. Металлургларнинг меҳнатидан келаётган даромад чакки бўлмаётир. Шунинг учун ҳам корхона меҳнат аҳлининг турмуш тарзи ёмон эмас.

Комбинат маъмурияти ўз қарамоғидаги боғчаларга ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Жумладан, 33-боғчани намунали мактабгача тарбия муассасасига айлантириш учун катта маблағ ажратилди.

Боғча санаторий типида бўлиб, бу ердаги махсус гуруҳларда кичкинтойлар тарбияланиш билан биргаликда даво ҳам оладилар. Маълумки, жисмонан бақувват бўлмаган заиф болалар тез-тез шамоллаб, турли хасталикларга чалиниб туришади. Бундай ҳолларда 33-боғчанинг тиббиёт ходимлари дарҳол болага тиббий ёрдам кўрсатишади ва у батамом соғайганига қадар қатъий назорат қиладилар. Бундан ташқари кичкинтойларнинг хасталикка чалинишининг олдини олиш, соғлом ва дуркун бўлиб ўсиши учун жисмоний тарбия машғулотларини олиб боришади. Бу ҳаракатлар жуда яхши натижа бераётир.

Икки қаватли кўркам боғча биноси яқинда тўла таъмирдан чиқарилди. Кенг ва шинам хоналар, ошхоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Ойнаванд жавонларга теріб қўйилган хилма-хил ўйинчоқларни, айниқса, ҳозирги тақчиллик даврида бошқа боғчаларда учратиш рижий тилларни ўрганмаган бола келгусида жамиятнинг фаол фуқароси бўла олмайди. Мазкур боғча жамоаси шу жиҳатларни ҳисобга олиб кичкинтойлар билан таълим-тарбия ишини тобора такомиллаштириб бормоқда.

Мана, боғчадаги тасвирий санъат хонаси. Бир томонга жаҳоннинг улуғ мусаввирлари Рафаэль ва Пикаччо асарларидан кўчирилган нусхалар, иккинчи томонига ёш ҳаваскор мусаввирлар ва тарбиячилар чизган турли суратлар тартиб билан қўйилган. Мақсад аниқ: бу ерда тарбиячилар гўдак қалбига эзгулик уруғи, бебаҳо тасвирий санъатга қизиқиш, муҳаббат ҳиссини турли машғулотлар орқали сингирадилар.

— Биз болаларнинг руҳий оламига киришга ҳаракат қиламиз, — дейди боғча мудираси Зинаида Киселёва. — Ҳар бир боланинг ўзи бир дунё. Нозик гулни авайлаб парвариш қилган мисол болажонларнинг мурғаккина интилишларини, қизиқиши ва ҳаваси, кувончини, ташвишини англаган ҳолда эҳтиёткорлик билан тарбиялаб боришга интиляпмиз. Шу сабаб кўпинча машғулотларни ўйин тарзида ўтамиз. Бунда болалар зериқмайди, толиқиб ҳам қолмайди.

Боғчадаги ибратли ишлардан яна бири, боғча ва мактаб ўртасидаги алоқанинг мунтазам йўлга қўйилганлигидир. Мудиранинг гапига қараганда, ўтган йили 6 ёшли болалар боғчанинг ўзида ўқитилган бўлиб, 7 ёшдан мактабга кузатилган. Ана шу болаларнинг барчаси мактабда яхши кўрсаткичларга эришиб, аъло баҳоларга ўқий бошлашибди.

Гап ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу боғчада тарбиявий ишлар рус тилида олиб борилмоқда. Бунга сабаб, боғча болаларининг аксарияти рус тилида гаплашувчи ота-оналарнинг болаларидир. Аммо боғча жамоаси давлат тили тўғрисидаги Қонунни амалга ошира бориб, гуруҳларда ўзбек тили машғулотларини йўлга қўйган. Бироқ айрим жойларда бўлгани каби бу боғчада ҳам давлат тилини ўрганиш ва кичкинтойларга ўргатиш ишлари талаб даражасида эмас.

Мудира билан суҳбатимиз сўнггида у 6 ёшли болаларнинг Ангрен атрофида жойлашган «Восход» ва «Мовий тоғлар» оромгоҳига жўнатилаётгани тўғрисида гапириб қолди. Бу ҳол бир оз мени ажаблантирди. Негаки, боғча болаларининг оромгоҳларда дам олишини эшитмаган эдим. Оромгоҳга йўлланма нархини комбинат касаба уюшмаси қўмитаси ўз зиммасига олган.

Умуман, Олмалиқдаги санаторий типидаги 33-боғчани чинакамига намунали тарбия маскани деса бўлади. Бу ерда кичкинтойларнинг сержаранг бахтиёр кулгулари, беозор шўхликлари ҳукмрон. Инсон болалигининг энг оромижон, қайтарилмас лаҳзалари кишини ўзига мафтун этаркан, беихтиёр келажак эгалари эркин камол топаётганини ҳис қилади киши.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

БОЛА БОШИДАН

Бола тарбияси. Инсоният пайдо бўлибдики, бу мавзу кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бола тарбиясида, аввало, унинг психологиясини тўла тушуниб етишимиз, бола нимага қизиқади, келажакдаги мақсади нима, шуларга аҳамият беришимиз керак. Ҳунар-техника билим юртлари, техникумларда ҳам асосий мақсад ўрта маълумот бериш бўлиб, касб-ҳунар ўргатишга етарли аҳамият берилмаётир. Масалан, машинасозлик техникумида станокда металларга ишлов бериш касбини ўрганаётган ўқувчилар уч йил давомида бирон марта станокда тажриба ўтказмайдилар. Асосан уларга ўрта мактаб дастурлари, металлшунослик ва чизмачилик дарслари ўргатилади.

Халқимизда «Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» деган нақл бор. Бунга эътибор бермаганлигимиз натижаси ҳар қадамда кўриниб турибди. Жумладан, сифатсиз маҳсулотлар, маҳсулот тақчиллиги. Энг ачинарлиси эса бўш ишчи ўринлари ва, аксинча, ишсизлар армияси, ниҳоят, жиноятчилик...

Менимча, ҳунар-техника билим юртлари меҳнат ва касбкор маҳорати ҳамда кўникмалари олишни мақсад қилиб қўйиши керак. Бундай ўқув юртлари ўқувчиларнинг ихтиёрий эҳтиёжи билан тўлиб, ўз фаолиятини давом эттириши лозим. Давлат режаларини (ўрта ўқув юртлари бўйича) бажариш ёш авлодга мажбуран юклатилмаслиги лозим. Асосий мақсад ҳақиқий касб-ҳунар ўргатиш экан завод, фабрика, корхона, ферма ва бошқа ишлаб чиқариш муассасалари қарамоғида касб ўргатиш бўлимлари ташкил этилиб, ўша ерларда устозшогирдчилик анъаналарини тиклаш зарур.

Инсон маълум поғонага етганда унинг ўз дунёқараши, иқтидори, қизиқиши бўладики, уни камдан-кам ҳолларда ўзгартириш мумкин. Кимдир илмий билимлар орқали ижод қилишга уринса, бошқаси, аксинча, касб-ҳунар орқали ижодкорлик қилишга иқтидори бўлади. Ҳаётнинг гўзал ва ранг-баранглиги ҳам, эҳтимол, шундадир.

Оддий деҳқон ёки чўпон буюк олим ва файласуф каби йирик илмий иш қила олмаганидек, олим ва файласуфлар деҳқончилик ёки чорвачилик ишларини қойиллата олмайдилар. Меъмор ва заргарлар маромига етказиб бирор шеър ёки достон ёзолмаганларидек, шоир ва ёзувчилар учун меъмор ва заргарларнинг иши нақадар жозибали кўринса-да, иш жараёни зерикарли эканлиги ҳаммага аён.

Шифохонада даволанаётганимда ҳамхонамнинг ёш бўлсада, одобли, катта-кичикларга самимий муносабатда бўлиши, суҳбатлар давомида унинг ҳатто ҳарф танимаслиги мени жуда таажжублантирди. («Мулоқот» ойномаси номини ўқий олмади). Шифохонадан соғайиб чиққанимдан кейин унинг ишхонасига бориб қолдим. У тайёрлаган дераза ва эшиклар, дурадгорлик маҳсулотларини кўриб, унинг ижодкорлигига тасаннолар айтгим келди. Бу билан кишиларни ўқитмаслик керак, демоқчи эмасман. Мустақил жумҳуриятимизнинг болалари мустақил равишда билим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари лозим.

Инсоншунослик илмидан маълумки, бола туғилгандан сўнг 17 ёшгача (айрим ҳолларда 21 ёшгача) ўсишда бўлади. Халқ тилида «суяги қотади». Буни ҳисобга олганда билим ўргатиш, касб ўрганишни 17 ёшгача амалга ошириш керак. Ўсиш тўхтагандан сўнг (суяги қотгандан кейин) эса, билим олиш ҳам, касб-ҳунар ўрганиш ҳам деярли яхши натижа бермайди. Ота-боболаримиз бунга тўла амал қилганлар. 17 ёшдан кейин ҳам касб-ҳунар ўрганиш мумкин, лекин ўз ишининг моҳир усталари бўлиб етишиб чиқиши қийин.

Қиссадан ҳисса шуки ёшлар орасида ҳуқуқий тарбияни такомиллаштириш, улар томонидан содир қилинадиган жиноятчиликнинг олдини олиш учун аввало, тарбияни ота-боболаримиз анъаналари асосида ташкил этишимиз керак.

А. РАШИДОВ,
Тўрақўрғон туманидаги 45-тўлиқсиз ўрта мактаб математика ўқитувчиси.

ШУКУҲБАХШ ОҚШОМ

Қамаши туманидаги Ҳамид Олимжон номли мактабда 9 нафар кекса педагогни фахрийликка кузатиш маросими бўлиб ўтди. Кечага устозларини қутлагани собиқ ўқувчилар ҳам келишди. Бошланғич синф ўқитувчиси Ойдин Сафарованинг биринчи ўқувчилари қимматбаҳо гилам туҳфа қилишганда, зални гулдурос қарсаклар тутди.

Туман халқ таълими бўлимининг инспектори Саттор Алиқулов фахрийларга эсдалик совғалари топширди. Мактаб бадиий ҳаваскорлари катта концерт намойиш этишди. Оқшом ғоят мароқли ўтди.

У. РАҲИМОВ.

Меросимизни ўрганамиз

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ХУСУСИДА

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДХЎЖА ЎҒЛИ — Беҳбудий XX аср бошларида маърифат майдонида катта обрў ва эътибор қозонган, бутун кучқуввати, билими, фаолиятини мактаб-маориф ишига, болалар тарбиясига, туркий халқлар маънавий дунёсини бойитишга бағишлаган илғор зиёлиларимиздан биридир.

Беҳбудий ўз ғояларини амалга оширишнинг бош йўли сифатида янги мактаблар очиш, унда ёшларга диний илмлар билан бирга, аниқ фанларни ҳам ўқитиш, европача таълим-тарбияни кенг кўламда жорий этишни тарғиб қилди, маҳаллий аҳолини илм-маърифатга даъват этди. У катта-кичикка миллий-озодлик ғояларини сингдириш, мустамлакачиликка қарши кураш, миллий мустақилликка эришиш йўлида бирлашиш, аҳил бўлиш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга чақирди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг бутун фаолияти билан XX аср бошларидан то умрининг охиригача (1919 йилгача) амалга оширган тадбирлари, илмий-назарий асарлари, айниқса, педагогика, мактаб-маориф соҳасида кўрсатган хизматлари билан ўзбек маданияти тарихида буюк бир сиймо даражасига кўтарилди, бу йўлда ўчмас из ва бой мерос қолдирди. Зотан, маданият тарихининг асл манбаи, аввало, мактаб-маориф таълим-тарбия бўлиб, бу — инсоният тафаккурининг деярли барча маънавий соҳаларини ўз ичига оладиган ғоят кенг кўламдаги тушунчадир. Яъни инсон онгини шакллантириш ва ривожлантириш борасидаги барча илмлар мактаб-маориф воситасида амалга оширилади ва тобора юксалиб бориб оқибат-натижада жамият тараққиётини, унинг маънавий камолотини таъминлайди. Бу эса дастлаб инсон онги, қиёфасини шакллантириш, унга энг гўзал инсоний фазилатларни сингдириш билан узвий боғланиб кетади. Шу маънода Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бутун фаолияти педагогика фанню, халқ таълимининг туб моҳиятига бориб тақалади.

Беҳбудий 1900 йилларда етук педагог, йирик олим, атоқли маърифатпарвар, талантли драматург, жадидчилик ҳаракатининг етакчи вакилларидан бири сифатида майдонга чиқди, жадидлар ғоясини ҳаётга татбиқ этиш курашчиларининг биринчи сафларида бўлди. Мактаб ҳаёти, таълим-тарбия ишларини ривожлантириш, туркий халқлар ўртасида уни кенг кўламда жорий этиш учун кураш Беҳбудийнинг олий мақсади бўлди.

Беҳбудий ўзи эътиқод қўйган олий мақсадга эришишнинг ягона йўли — илм-маърифат тарқатиш, ёшлар тарбияси ҳақида узлуксиз ғамхўрлик қилиш, шу билан бирга, миллий мустақиллик учун тинмай кураш олиб бориш, деб билди. У миллатлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик тўғрисида ҳам муттасил кўрсатмалар, йўл-йўриқлар бериб боради. Беҳбудий ўз даврининг буюк байналмилалчи сиёсатдонларидан бири сифатида ҳам бизга ғоят ибратлидир. У Туркистон халқлари тақдири учун курашиш билан бир қаторда бошқа миллатларнинг тарихи, тили, маърифати, маданияти, дини, эътиқодига ҳурмат билан қарашни уқтирди. Таълим-тарбияга, айниқса, ёшлар онгига байналмилалча дунёқарашни сингдириб боришга узлуксиз эътибор берди.

Беҳбудийнинг жаҳон халқлари, миллатлари ўртасида дўстона алоқа ўрнатиш, миллатларнинг ўзаро ҳурмат руҳидаги муносабатларини ривожлантириш борасидаги таълимоти ўзбек педагогикаси тарихига, халқ таълими тарихига қўшган салмоқли ҳиссадир. Беҳбудий мазкур таълимотни олдинга суриш билан чекланмасдан ўзининг амалий фаолиятида турмушга татбиқ эта бошлади, мактабларда диний фанлар ўқитишнинг таълим-тарбиядаги аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий илмнинг турли соҳаларини эгаллашни тарғиб этиш билан кифояланиб қолмай, турли халқлар ҳаётини ўрганиш учун Россия бўйлаб қилган саёҳатларида Москва, Петербург, Қозон, Уфа шаҳарларида, хорижий Шарқнинг Миср, Туркия мамлакатларида бўлди. Кўрган ерларидаги халқларнинг яшаш тарзи, ижтимоий ҳаёти, тили, турмуш муаммолари, таълим-тарбия, мактаб-маориф ишлари билан яқиндан танишишга ҳаракат қилди. Улардан ўрганган энг яхши тажрибаларни Туркистонда татбиқ этишга интилди.

Беҳбудий ўз уйида мактаб очиб, болаларни бепул ўқитади. Мактабида жаҳон миқёсидаги илм ўргатиш тажрибаларини қўллашга уринади, ўз элини, Туркистон болаларини тарбиялашда ибратли тадбирларни амалга оширишга ҳаракат қилди.

БЕҲБУДИЙ МАОРИФ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА, педагогиканинг муҳим муаммоларига оид қатор мақолалар, илмий ишлар, дарслик ва қўлланмалар яратди. Унинг мактаби янги усулдаги мактаб, яъни усули жадид мактаб эди. У мактабда диний илмлар билан бирга, табиий фанларни ҳам ўқитди, ўзи «Қисқача умумий жуғрофия», «Болалар учун китоб», «Исломнинг қисқача тарихи», «Амалиёти Ислом», «Аҳоли жуғрофиясига кириш», «Россиянинг қисқача жуғрофияси» ва бошқа бир қатор дарсликларни яратди.

Беҳбудий ёшлар тарбиясида жуғрофия фани ҳам жуда катта аҳамиятга молик эканига эътибор беради, мазкур фанга оид дарслик ва қўлланмалар яратади.

Беҳбудий ёшларга таълим беришда миллий урф-одатларни ҳимоя қилиш баҳонасида миллий чекланишга берилмасликни таъкидлаб, ёшларнинг кийиниши, янгиликларга интилишидан чўчимасликни уқдиради. **«...Энди келайлук шу жузъий ташаббуҳлар масъаласигаким.** Бу: **курси (стул)га ўтурмоқ, қошиқ ва чинакча истеъмол этмак, медаль тақмоқ, ҳавонинг иссиқлиги учун бош яланғоч ўтирмоқ каби шайлардан иборатдир. Агар бу жузъий ташаббуҳлар ила-да киши кофир бўлаверса, бас, ер юзида бир нафар ҳам мусулмон қолмаслиги лозим келур...».**

Кўрниб турибдики, Беҳбудий ҳар бир жузъий нарсадан баҳс топиб, кофиру мусулмонга бўлиб ташлайвериш — таълим-тарбияга зарар келтиришини таъкидлаяпти. Беҳбудий миллий урф-одатларнинг илғор нуқталарини ёқлаш билан ҳаётда рўй берадиган зарурий янгиликларга ҳам ақл-идрок билан ёндашишга даъват этади. У янгиликдан орқада қолмаслик, дунёда ҳамиша ўзгаришлар бўлиб туриши, таълим-тарбия бобида буни идрок эта билишга катта эътибор беради. **«Замоннинг марвари ила баъзи расм ва одатлар доим ўзгариб турадурки,** — деб ёзади у, — **бу ўзгариш бобомиз Одам замонидан бери воқе бўлуб келмоқдадур».** Беҳбудийнинг мазкур фикр-мулоҳазалари педагогика фанининг энг муҳим моҳиятини изоҳлаб тургани билан ҳам қимматлидир. Агар ўқитувчи, тарбиячи урф-одатларнинг илғорларию эскирганларини пайқай олмаса, ёшлар тарбиясигина эмас, умуман, тараққиётга ва таълим-тарбия соҳасига наф келтира олмайди. Беҳбудий бу ҳақда ҳам аниқ фикр баён қилади: **«...Расм ва одатлар ичида фойдали ва яхшиси бўлғонидек, ёмон ва зарарлиси ҳам мутлақо бордур. Чунончи, бурунғи замонда исрофли тўй ва аза, базми жувон каби ёмон одатларимиз йўқ эди, сўнгра пайдо бўлди: қабул этдук. Энди мунинг қўлидан осонлик ила қутула олмай турибмиз...».**

Беҳбудий фуқарога, ёшларга таълим беришда чалғимаслик учун ўз мулоҳазаларини ҳамиша аниқ, илмий, тарихий ёки шаърий далиллар билан асослайди. Янгиликка юзаки қараш билан фуқарони шубҳага солувчиларга қарши зарба бериш учун Шарқда катта обрў-эътиборга эга бўлган Миср муфтийси машҳур олим Муҳаммад Абдо фатвосидан мисол келтириб шундай дейди: **«...Мақсадимиз шариат нуқтаи назаридан кийим ва ташаббуҳ масаласини баён этмак эди... ишлапа ва шапка, оврўпо кийимларини киймоқ, шариати исломча, ҳеч бир зарарлик иш эмасдур. Мунга инкор қилувчилар суннати Расул, тарихи умматдан хабарсиз одамлардур».** Мазкур олимнинг таъкидлашича, Муҳаммад пайғамбар ва саҳобалар турли мамлакатларга борганларида шу жой туб аҳолисининг кийимларини кийганлар. Жумладан, улар румликларнинг жандасини ва бошқаларнинг миллий кийимларини кийганлар. Бу ерда гап халқ оммаси савиясини кўтариш учун олиб борилаётган таълим-тарбия ишларида ҳаётдаги ҳамма воқеа-ҳодиса, ҳатто, кийим-кечак бобидаги баҳсларгача ўз ўрни борлигида, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий ҳаёт бутунича инсон тарбиясига таъсир этиб туришини идрок этишдадир.

Беҳбудий ва унинг ҳамфикрларининг мактабларидаги таълим-тарбиянинг асоси шу заминга таянади. Мана бу ғояларни Беҳбудий шундай баён қилади: **«...Колониал (мустамлакот) қондаси ила бизни идора этарларки, бунга ўз ихтилофларимиз сабаб бўлур. Мана шуларнинг чораси шулким, ёшлар тезлик ва бемаъниликни қўйиб фанний ила иш қилсинлар. Мен ҳам тезлик тарафдори эдим. Аммо, на чора, бу фикрнинг тарафдори оз. Бас, оҳиста кетишдан бошқа илож йўқ. Катталаримиз ва муаллимларимизга ҳам арз қилурмизким, ёшлардан нафрат қилмай, аларнинг хизматидан маҳрум эттирмасунлар. Ёшлар истайдурларки, миллатга ва халқ оммаға хизмат этсалар. Аларнинг айби шулким, ичлари тор. Олдимизда иш кўп. Бошқа халқлар ҳар дақиқа тараққий этмоқдадурлар. Такрор арз қилурмизки, ёш ва катталар бир бўлиб ишламоқ керак... Агар биз таълим-тарбия ишини шу руҳда олиб бормасак, туркистонликларга «на ҳуррият қолур, нада муҳторият берилур...».**

Бу ерда биз Беҳбудий педагогик қарашларининг ижтимоий ҳаёт воқеалари билан, дунё миқёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар билан, ер юзида ҳукм сураётган етакчи сиёсат билан нақадар узвий боғланиб кетишини ҳам кўрамиз. Ниҳоят, Беҳбудий таълим-тарбияга оид мулоҳазаларини Туркистон фуқароларининг бундан кейинги тақдири билан узвий боғлиқ эканлигини ҳам аниқ тарихий далиллар билан шундай якунлайди:

«... Бу неъматлар (мустақиллик, ҳуррият, мухторият ва бошқа эркинликлар кўзда тутилади. А. А.) ҳар бири халқни ҳозирлигига қараб берилур. Тўғриси ҳар миллатнинг ўзини мужоҳит ва мужоҳидаси ила бу неъматларга мойил бўлур. Халқимизнинг ҳозирги ихтилофи мени дилхун этар, маъюс этар. Бош қа миллатлар иттифоқ ила яшаганда биз бир-биримиз ила душманликда турсак, вой бизнинг ҳолимизга».

Мазкур мулоҳазаларда биз Беҳбудий педагогик қарашлари ҳамиша ҳаётнинг энг долзарб масалаларини ҳал этишга қаратилганини яққол кўрамиз. Бугина эмас, Беҳбудий педагогик қарашлари гарчи асримиз бошларидаги ижтимоий ҳаёт билан боғланган бўлса-да, ҳамон эскирмагани, ҳозирги кундаги ҳаётимизга нақадар ҳамоҳанглиги билан қимматлидир. Беҳбудий тараққиётга эришмоқ учун турли миллатлар орасида ўзаро бир-бирига ҳурмат руҳида алоқалар ўрнатилишига катта аҳамият беради, зотан, ҳаёт бусиз ривожлана олмаслигини қаттиқ уқтиради. Шу билан бирга бир миллатни иккинчисидан устун қўйилишига қарши туради. Бирон миллат бошқа миллат томонидан камситилмаслиги лозимлигини таъкидлайди:

«...Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, — **деб ёзади Беҳбудий, — ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ. Зотан, динимизда мунгу монийдирки, Туркистон яҳудийларининг 1300 йиллик ҳоли бунга шоҳиддир. Биз истаймизки, бутун Россия мусулмонлари мухторият (федерация) усули юзасидан тириклик қилсунлар».**

Модомики, халқ таълими, нафосат тарбияси, миллатлар ўртасида аҳилликка эришишга даъват-ижтимоий ҳаёт масалаларининг туб негизлари халқ педагогикасининг таркибини ташкил этар экан, биз Беҳбудий педагогик қарашларида мазкур муаммоларнинг ҳаммасини кўриб турамиз.

БЕҲБУДИЙ ЎЗ ҚАРАШЛАРИНИ, яъни халқ таълими ва умуман, ёшлар ва катталар ўртасидаги муносабатларни бадиий ифода этган «Падаркуш» номли драма асарида ўзига хос йўл тутади. Мазкур асарда ота-оналар билан болалар ўртасидаги ғоят жиддий, нозик, қалтис муносабатлар таълим-тарбияда бош масала тарзида талқин этилади.

Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари мавзуи Туркистон халқларининг қалбини муттасил ҳаяжонлантириб келаётган, шу билан бирга, миллий ўзига хос энг муҳим хусусиятларни ўз ичига олганлиги билан жамоатчилик эътиборини тортади. Бунда оилада бола тарбияси, таълим-тарбия соҳасида ота-оналарнинг роли ҳақида гап боради. Беҳбудий педагогик қарашларида мактаб тарбияси билан оила тарбиясини узвий бирликда олиб борилиши лозим, акс ҳолда фожиалар рўй беради, деган ғояни олдинга суради. Мактаб ҳар қанча тўғри йўл кўрсатса-ю, ота-оналар боласини бошқа томонга тортадиган бўлса, бола тарбияси тамоман издан чиқади, деган фикр-мулоҳазалар асарда турли образлар фаолиятида ифода этилади.

«Падаркуш» асос эътибори билан педагогик қарашларнинг бадиий ифодаси бўлгани билан биз унда мустамлака Туркистонидаги тарихий шароитнинг маҳаллий аҳоли ҳаётига, ёшлар тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири масалаларини ҳам кўрамиз. Бу бизга Беҳбудийнинг педагогик қарашлари ҳамища ижтимоий ҳаётдаги энг муҳим ва мураккаб муаммолар билан, ўз даври сиёсати билан боғланиб кетганини ҳам кўрсатади. Зотан, таълим-тарбия, педагогика аввало халқлар тақдири, истиқболи ҳақидаги фан сифатида ҳамиша сиёсат билан узвий боғлиқлигини ҳам тасдиқлайди...

Асардаги воқеа Бой билан унинг ўғли Тошмурод (ота-бола) ўртасидаги оддий бир мулоқотдан бошланади.

Тошмурод — «Томошага бораман, пул беринг!», — деб отаси ҳузурига киради. Бой ўғлига пул бера туриб, барвақтроқ келишини айтиб, кимлар билан бораётганини сўрайди ва «ёмон жойларга» бормаслигини ҳам таъкидлаб қўяди. Тошмурод отасидан ва отаси олдида ўтирган «янги фикрли» Домулладан ҳам уялмай-нетмай даҳал гапиради: «Хайр, хайр, ҳов, кўп гапурасиздa», деб отасини силтаб чиқиб кетади. Тошмуроднинг отага қилган бундай одобсизлиги Домулла таъбини хира қилиб юборади. Домулла Тошмуроднинг бу ноўрин хатти-ҳаракатини илмсизлик, маърифатсизлик оқибати деб билади.

Бой ўзи саводсиз бўлиб, ўғлини ўқитмаганлиги сабабли у шундай одобсиз бўлади. Бой дунё воқеаларидан батамом хабарсиз. Ўзининг аҳволи шу бўлган Бой бола-чақаларига таълим-тарбия беришни ўйламайди. Беҳбудий Бой ва унинг оиласида рўй бераётган аҳволга бефарқ қараб туролмайди. Беҳбудийни Тошмурод ва унинг отаси ўртасидаги муносабатлар шундай давом этаверса, Туркистон халқлари фожиаларга учрайвериши ташвишлантиради. У Домулла образида ўз мақсадларини ифодалайди. Яъни унингча Туркистон бойлари, аввало, ўзлари илм-маърифатга эга бўлишлари, маданият, тараққиётга ҳурмат билан қарашлари, болалари замона талабларига жавоб берадиган даражада тарбияланиб, улғайишлари керак.

БЕҲБУДИЙНИНГ ЎЗ ДАВРИДАГИ болаларнинг таълим-тарбияси масаласи ўйлантиради. Беҳбудий ёмон тарбияли бола бутун оилани ҳалокатга олиб келишини, бунга, аввало, ота-оналарнинг ўзлари сабаб бўлаётганини айтади.

Тошмуроднинг одобсиз бўлиб ўсишига сабаб Бойнинг ўзида одоб йўқилигидир. У мақтанчоқ, саводсиз, ўжар, молдунёга ўч.

«Падаркуш» асарида биз таълим-тарбиянинг бош маскани оила, ота-она экани ҳақидаги ғоят муҳим фикр борлигини равшан кўрамиз. Беҳбудий ўз ғояларини таълим-тарбиянинг бузилиб кетишига оилалар сабаб бўлаётганини тошабин қалбига чуқур сингдиришга интилади. Беҳбудий асли Туркистон халқининг ҳаммасини бой-бадавлат қилиш йўлларини ўйлайди. Аммо, оммамий равишда фаровонликка эришмоқ учун эса, илм-маърифат, таълим-тарбияни ҳам оммавий равишда тўғри йўлга солиш зарур, яъни фуқароларнинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, моддий бойлигини ошириб бўлмайди, деган ғоя асарнинг бош йўналиши бўлиб чиқади.

Домулла қуйиб-пишиб ўғлини ўқишга беришга даъват этгани билан Бойга унинг сўзлари таъсир этмайди, аксинча Домулланинг сўзини кесиб, ҳатто ўзини ҳақорат қилиб чиқариб юборади. Бой ўз давлатига маҳлиё бўлиб, одобахлоқ, таълим-тарбия, жамият, тузум, фуқаро тақдири, Ватан—миллатнинг келажаги деган тушунчалардан йироқ. «Ай Домулла! — дейди ниҳоят ғазабланиб Бой. — Сиз менга таҳқиқчими? Ўғил меники, сизга нима? Ўқиганни бири сиз, емоққа нонингиз йўқ, бу ҳолингиз ила менга насиҳат қилурсиз. Хайрулло! Меҳмонхонани қулфла, уйқум келди...» Бу сўзларда Бойнинг мактаб — маърифат, таълим-тарбия ишларига тамоман ёт бир унсур эканлиги ифодаланган. Ўзида тарбия бўлмаган кимса бировга тарбия беролмайди, шунинг учун болалар билан бирга уларнинг ота-оналарини ҳам тарбиялаш замонанинг энг катта муаммоси сифатида кун тартибига қўйилади. Бу жиҳатдан асардаги Домулла образи ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Домулла Бойдан ниҳоятда ранжиб, охири унинг ҳузуридан кетаётганда ёшлар тарбиясига оид фикрларини шундай изҳор этади: «Ўқимоқ ва мулло бўлмоқ учун пул керак, бадавлатларимиз ҳоли бўл, бас, бу кетиш ила мавзамбиллоҳ дунё ва охиратга расво бўлурмиз, ўқимоқ барча мусулмонга, эркак ва хотин бўлсун фарз эди. У қайда қолди?! Оҳ, вой бизни ҳолимизга... Бой, мен сизга амримаъруф этдим ва менга шариат бўйинча лозим бўлган ишни бўйнимдан соқит қилдим. Иншоллоҳ, мўйлаб чиқариб алифни таёқ демай турган ўғлингиз ҳолини кўрармиз ва ҳам ўқитмаганингиз учун гуноҳкор бўлурсиз».

Беҳбудий Туркистон аҳолиси орасидаги калтабин, ўжар, ўзбилармонларни ғафлат уйқусидан уйғотишга, уларни янги замон тақозоси билан етук шахслар даражасига кўтаришга бутун қобилиятини сарфлайди. Зотан, у миллатни ҳалокатдан сақлаб қолиш, қарамликдан қутқаришнинг ягона йўли шу деб биларди. Бой сингари катталарда кўринган нуқсонлар уларнинг болаларига ҳам юқиб бораётгани Беҳбудий ва бутун жадидларни ташвишга солади. Бу жиҳатдан «Падаркуш» драмасидаги Зиёли образи фаолияти катта аҳамият касб этади. Зиёли Домуллага нисбатан ҳам илғор мулоҳазаларни баён қилади. Зиёли ов-рўпоча таълим олган ва унинг ташқи қиёфаси кийим-кечаклари, гап сўзлари ҳам янгича, замонавий руҳни кўрсатиб туради. У Домулланинг фикр-мулоҳазаларини янада кенгроқ кўламда давом эттиради. Шариатда таъкидланган илм-маърифатга оид ақидаларни ҳам ҳозирги дунё миқёсида ривожланиб бораётган аниқ фанлар, маданий тараққиёт ҳақидаги маълумотларни ҳам анча чуқур баён қилишга интилади. У билдирган мулоҳазалар ҳам Бойга таъсир этмайди. Зиёли ўз мулоҳазаларида Туркистонда миллий мактабларни ривожлантириш, шунга яраша ўқимишли фуқароларни кўпайтириш, аввало, болаларни илм-маърифат билан тарбиялаш лозимлигини тушунтиради... «Олимий замона бўлмоқ учун, — дейди Зиёли, — болаларни аввало мусулмони хат ва саводини чиқариб, зарурати диния ва ўз миллатимиз тилини биладурғондан сўнгра ҳукуматимизни низомли мактабларинда бермоқ керакдир: яъни гимназия ва шаҳар мактабларини ўқиб тамом қилғонларидан сўнг Петербург, Москов дорилфунунларига юбориб, докторлик, закончилик, судьялик, илми саноат, илми иқтисод, илми ҳикмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдир... Россияга шерик бўлунса, ҳаттоки шул тариқа ўқуган мусулмон болаларини Фарангистон, Амрика ва Истамбул дорилфунунларига тарбия учун юбормоқ керакдур...»

Зиёли мулоҳазалари Беҳбудий ва бутун жадидчилик оқимининг ёшлар тарбиясига оид, илм-маърифат, таълим, мактаб-маориф ҳақидаги қарашларини тўла акс эттиради. Бинобарин унда ғафлат уйқусидан уйғотишга даъват ўз ифодасини топган. Унинг сўзларидаги ёшларни дастлаб миллий мактабда хат-саводини чиқариш, уларга диний илмларни ўргатиш, ўз миллий урф-одатларимизни сингдириш, ундан кейин Россиянинг марказий шаҳарлари, гимназияларга, Франция, Америка, Истамбул сингари ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртларига юбориб ўқитиш, фан-техника, иқтисод, ҳуқуқшунослик сингари муҳим сиёсий илмларни эгаллашга эришиш масалаларига оид фикрлар ҳамон эътиборни жалб этади.

АСАРДА мустамлакачилик сиёсати туфайли маҳаллий аҳоли ва, айниқса, ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, маиший бузғунчилик тарқала бошлагани ҳам кўрсатилади. Армани миллатига мансуб Артун майхона-пивохоналарни кўплаб очиб юборган. Лиза сингари «қабиҳа» рус аёллари маҳаллий миллатга мансуб ёшларни кўплаб эргаштира бошлаган. Бундай бузилишлар ёшлар тарбиясини издан чиқариб, уларни ҳалокатга сургаб бораётгани Беҳбудий сингари тарбиячиларни ташвишга солади. Бир тўда ёшлар Тангриқул, Давлат, Нор ва шулар билан бирга Бойнинг ўғли — Тошмурод пивохонада ичкиликбозлик қилиб ўтиришади. Қадаҳ кўтариб, оғзиларидан «боди кириб — шоди чиқиб» туради. Мас-алас ҳолда ҳеч кимдан тортинмай, кўнгилларига келган бемаъни, бепарда гапларни айтишади, «оҳ, Лизахон, қайдасан!» деб бақиришади... Тошмуродни мақтаб, унинг саломатлигига кетма-кет ичишади. Унга ясама муомала қилиб, ёлғондан «Бойвачча, Бойвачча!» дейишиб, Тошмуродни баттар гердайтириб юборишади. Ёшлар тарбияси бузилаётгани Артунни ва Лизани қизиқтирмайди. Болалар Артун ва Лизалар талаб қилган пулни топиш учун ўғрилик қилишади: безори, ичкиликбоз Нор, Давлат, Тангриқуллар маслаҳатлашиб Бойнинг бойлигини ўғирлашга Тошмурод бошчилик қилишига унга уқтиришади. Бу ерда гап шундаки, Беҳбудий ҳар бир бола ўз ота-онаси, оиласига душман демоқчи эмас, ота-она билан бола ўртасига раҳна солиш мақсади йўқ. Фақат илмсизлик, ўқимаслик, саводсизлик орқасида келиб чиқадиган жоҳиллик ва онгсизлик туфайли рўй берадиган жиноий ишларга қарши нафрат уйғотиш, одамларни бундан огоҳлантиришни кўзда тутади. Агар Зиёли ва Домулла сўзларига амал қилиб Бой ўз боласини қунт билан ўқитганда, Тошмурод, аввало, ёмон доирага — Нор ва Давлат, Тангриқулларга қўшилмас, майхоналарга бормас, Артун ва Лизаларга ҳам дуч келмасди.

Тошмурод Тангриқулни кечаси ўз уйига бошлаб келади. Давлат билан Нор кўчада пойлоқчилик қилишади. Уйларининг эшигини очиб, отаси ётган хонага кириб, унинг бойликлари, пуллари солинган сандиқни очиб ҳаммасини олишади. Отаси уйғониб қолганини кўрган Тошмурод тўппончадан теппага қараб ўқ узади, ўй эгалари қий-чув бўлиб қолишади., қўни-қўшнилар ҳам югуришади. Шу орада Тангриқул Бойга пичоқ уриб ўлдиради, Тошмурод билан бирга қочиб уйдан чиқишади, яна Давлат, Нор ҳаммаси биргалашиб, бояги майхонага бориб маишатни давом эттиришади. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай Тошмурод ҳам яна кайф-сафода... Улфатлар янада кўпичишади, энди Лизанинг саломатлигига «ура, ура» деб кўтаришади. Айни шу пайтларда ташқаридан шов-шув эшитилиб, миршаблар бостириб келишади, Лиза қочиб қолади, Тошмурод, Давлат, Тангриқул ва Нор қўлга олиниб, қамоққа тушади...

Зиёли бундай фожиадан қутулиш йўллари ҳақида ўз мулоҳазаларини айтади: «Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас ва булар ичкиликни бўйла ичмасди, хун беғайри ҳаққин қилмас эди. Умри борича Сибирь ва бандга ва қиёматга жаҳаннамга қолмас эди...».

Беҳбудий таълим-тарбияси бузилган болалар туфайли ҳаётда содир бўлиши мумкин бўлган фожиалар даҳшатини иложи борича кишилар қалбига чуқурроқ таъсир эттириш учун Бойнинг талон-тарож бўлишию, ҳатто ўлдирилишига ҳам ўз боласи бошчилик қилганини кўрсатади. Содир бўлган жиноятнинг икки дунёдаги оқибатларини ҳам изоҳлаб ўтади. Ҳаёти Сибирда чириса, охирати дўзахга маҳкумлигини очиқ айтади.

Зиёлининг кейинги сўзларида Беҳбудий мустамлакачилар келтирган ва келтираётган салбий таъсирлардан қутулиш учун ҳам аҳоли савиясини кўтариш; ўзлигини англашга ўргатиш лозимлигини уқтиради: «Бизларни, — дейди у, — хонавайрон, бачагриён ва бетаван ва банди қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдир, беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақир ва зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидир...

Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқитмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукмрон бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқдур. Оллоху таоло бошқаларга хашми ибрат ва сизларга сабр бергай».

Охирги жумлалардаги «ўқимоқ» ва «ўқитмоқ» сўзларига эътибор берилса, таълим-тарбия ишлари фақат ёшлар ўртасида эмас, шу билан бирга катталар (ота-оналар) ўртасида ҳам баробар олиб борилиши лозимлиги яна алоҳида таъкидланади.

БЕҲБУДИЙ ёшлар таълим-тарбияси ҳақида нима иш қилган, қандай фаолият кўрсатган бўлса, ҳаммасини асосан туркий халқларнинг келажагини порлоқ, ўзларини мустақил, Ватанни обод, эл-юртни қарамликдан озод этиш учун қилган. Туркистондаги барча ота-оналарни ҳам, уларнинг ўғил-қизларини ҳам шу руҳда тарбиялашни кўзда тутган.

Беҳбудий «Падаркуш» асарида таълимни оиладан бошлаш замоннинг бош масаласи қилиб қўйилади. Ўйлаб кўрилса, мазкур ғоя, фикр-мулоҳазалар ҳозирги кунларда ҳам худди шундай бўлиб турибди. Мактаб билан оила бирлигига эришмоқ ҳамон педагогика фанининг энг йирик муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳмад АЛИЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Самарқанд давлат дорилфунуни доценти, дадамиз Холиқул НАЗАРОВ!

50 ёшга тўлишингиз муносабати билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Сиҳат-саломатлик, боқий умр ва илмий ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Қизингиз, куёвингиз ва неварангиз Акбаржон.

Қадрли касбдошимиз Отоулло ИСОХОНОВ!

Сизни туғилган кунингизга 60 йил тўлиши муносабати билан чин дилдан қутлаймиз, дўстларингиз, шогирдларингиз бахтига ҳамиша омон бўлинг.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 106-мактаб жамоаси.

Ҳурматли Омон МАМАСОЛИЕВ!

Таваллуд топган кунингизга 50 йил тўлиши муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Оддий ўқитувчиликдан устоз, етук мутахассис, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг тарбиявий ишлар бўлими мудири даражасигача кўтарилдингиз. Умрингизнинг гаштли ўтишига тилакдошмиз.

Бир гуруҳ ўртоқларингиз.

Азиз отамиз Нормўмин ЖУМАНОВ!

40 йилдирки, Нуробод туманидаги 21-мактабда ўқувчиларга математикани ўргатиш билан бирга, биз жигарбандларингизга ҳаёт дарсидан сабоқ бериб келаяпсиз.

Туғилган кунингиз муносабати билан Сизни чин дилдан қутлаб, доимо соғ-саломат бизга тоғдек суянч бўлиб юришингизни тилаб қоламиз.

Фарзандларингиз ҲУРМАТОЙ, ФАХРИДДИН, БАҲРИДДИН, МАВЖУДА.

Акс-садо

МИЛЛИЙЛИК ТИМСОЛИ

Севимли рўзномамиз «Маърифат»нинг 1993 йил 1 май сонида Карим Назаров ва Қумри Абдуллаевларнинг «Шодлик мактаби»га дастлабки одимлар» деган мақоласини ўқиб чиқиб, чексиз қувондик. Мақолада бошланғич мактаб тизимининг бутунлай янгиланиши, уларнинг тўлақонли миллий мазмун касб этиши ҳақида чуқур мушоҳадалар баён қилинган. Ўқув соҳаси мутелик, турғунлик, ҳар қандай «изм»лар»дан фориғ бўлишлиги айни муддаодир. Шунингдек, мақолада ўқувчиларни ҳар томонлама маънавий, жисмоний, илмий, ақлий, миллий, шарқона тарбияси ҳақида чуқур фикрлар билдирилган.

Бизнингча, ҳам «Шодлик мактаби»нинг ўқув қўлланмаларига шарқнинг мумтоз алломалари ҳаёти, ижоди, илмий кашфиётларидан намуналарни ўз жойи ва ўрнига қараб киритилса. Шунингдек, бошланғич синфларда нотиқлик санъатини ўргатадиган тарбия соатларида ҳар бир машғулот миллий руҳда, халқ анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, халқ ҳикматларидан ўринли, унумли фойдаланган ҳолда миллий ғурурни эъзозлаш ҳиссини сингдириб борилса, мақсадга эришган бўлар эдик.

А. ҲАЙДАРОВ,
Тошкентдаги 229-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

Олтин ёз–ўтсин соз!

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

МАВСУМ БОШЛАНДИ

Қамаши туманидаги Гагарин номли оромгоҳ Лангар қишлоғига яқин баланд тоғлар бағрида жойлашган. Бу сўлим гўшада ҳар йили қамашиликларнинг 1200 нафар ўғил-қизлари ҳордиқ чиқаради.

Бу йилги мавсум 5 июндан бошланди. Биринчи мавсумга 410 ўқувчи қабул қилинди.

Очил Турниёзов раҳбарлигидаги оромгоҳ жамоаси болаларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаш учун жонбозлик кўрсатиб ишлаяптилар. А. Алиев, Д. Мустафоева, Н. Абдуллаев, А. Эшмуродов, С. Бозоров сингари тарбиячи ва ошпазлар аллақачон меҳнатсеварликларини намойиш қилдилар.

Оромгоҳда ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Кўркам қилиб бунёд этилган иморатлар, шинам хоналару спорт майдони, ўйингоҳлар, ота-оналар ва болалар учрашадиган дийдор хонаси, ёзги кино клуб, ошхона, тиббиёт хонаси ва бошқа қулайликлар муҳайё.

Тасвирий санъат, бадиий ҳаваскорлик, тикиш-бичиш, шахмат-шашка, ўлкани ўрганиш тўгараклари фаол иш бошлади. Гарчи тақчиллик бўлса-да, озиқ-овқат масаласи ҳам ижобий ҳал этилган.

Ҳуллас, бу ажойиб, баҳаво масканда болаларимиз мириқиб дам олишларига шак-шубҳа йўқ.

Ў. РАҲИМОВ,
Қамаши туманидаги А. Темур номли мактаб директорининг муовини.

Сиз ёқтирган санъаткор

«ЯНГИ ОЙ ЧИҚҚАН КЕЧА»

Гоҳо қўшиқ айтгим келади. Ўзим ёзган шеърларга куй басталаб, ашулани ҳам фақат ўзим куйласам. Аммо яратган инсонга фақат бир ёқлама иқтидор ато этар экан, холос. Эҳтимол шоир: « — Бу дунё асли бир кам яралган» деганида менинг юқоридаги ҳолатимга ўхшаш вақтларни назарда тутгандир. Билмадим, менинг эса радио, ойнаи-жаҳондан янграётган юрагимга яқин қўшиқ ижрочиларига жўр бўлиб қўшиқ айтгим келаверади. Бироқ... ўкинмайман. Шеърларимни маромига етказиб ашула қиладиган талайгина севимли хонандаларим бор. Ана шундай кўнглим хилқатидан мустаҳкам ўрин эгаллаган хушовоз қўшиқчилардан бири Шомаҳмуд Шораҳмедовдир. Илк дафъа бу хонандани «Камолот-89» конкурсида танигандим.

— Шомаҳмуд ака, ўша беллашувда сиз томошабинлар ҳузурига қўлингизда танбур билан чиқиб, кўпчиликни ҳайратга солганингиз кечагидек ёдимда.

— Аслида бу иш сиз айтганчалик «ҳайратли» эмас. Нима учун ўзимизнинг миллий мусиқа асбобимиз билан қўшиқ ижро этсам ҳамюртларимиз ажабланиши, ҳатто, ҳайратга тушиши керак? Ахир мен хориждан келмаганман-ку? Ёҳуд улар ажнабий томошабинлар эмас-ку?

— Лекин барибир танбур унутилиб кетаёзган, кейинги вақтда хонандаларимиз ўз ижроларига, умуман, қўшмай қўйган асбоблардан эди-да. Шунинг учун ҳам, сизнинг бу «қилиғ»ингиз анчайин шов-шувга сабаб бўлганди...

— Ана шунисига куяманда, Шуҳратбек. Етмиш йилдан зиёд вақт давомида ҳаётимизнинг барча жабҳаларига бизнинг туриш-турмушимизга мутлақо бегона бўлган урф-одатлар кириб келди. Албатта, санъатимиз ҳам «марҳамат»дан қуруқ қолмади. Бугунги ёшларимиз хонанда қўлида миллий мусиқа асбобини кўрсалар ажабланадиган даражага келиб қолдилар. Бир дўппини ёнга олиб қўйиб ўйлаб кўринг-а: ўзбекман дея кўкрагига уриб юрган ёшлар ўз қўшиқчиси қўлида отабоболаридан қолган қадимий созни кўриб, бундан ҳайратланиб ўтирса!

Ўйламанг, мен замонавийликка қарши эмасман. Токи бу заминда инсон зоти яшар экан тараққиёт бўлаверади. Бусиз мумкин эмас. Эҳтимол, аксарият тингловчиларнинг эстрада жанрига қизиқиб кетишлари ва уларнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб қўшиқчилар ҳам ўз йўлларини шу усулга буриб юборишгани замона зайлидир. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, — дейишади-ку. Бинатсевар қилиб тарбиялай олдим. Мана ҳар бирингларнинг ҳаётда ўз ўрнингларни топиб олдинглар. Бундан кейин ҳам оға-ини аҳил, иноқ, ораларингдан қил ўтмай яшанглар, — дегувчи эдилар. Албатта, отамизнинг бу панд-насиҳатлари доимо қулоғимизда туради. Волидаи муҳтарамамиз худога шукр, ҳаётлар. Ҳозир биз билан яшайдилар.

— Турмуш ўртоғингиз ҳақида ҳам гапирсангиз?

— Келинойингиз Холисхон ҳам ўзимиздан, санъаткор. Дуторчи қизлар дастасида ишлайди. У билан Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти, консерваториядa бирга ўқиб, бир партада ўтирганмиз. Салкам ўн йил давомида бир-биримизни ситиб юришни ўзимга эп кўрмайман. Қўшиқларимнинг радио, телевидениедан янграб туриши мени қониқтиради. Мухлисларим бўлишса, қўшиқларим муҳрланган кассеталарни қаердан бўлмасин топиб олиб эшитишади. Бунга ишончим комил. Чунки ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган-да. Устоз санъаткорлар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев, Орифхон Ҳотамовларнинг ленталарини топиб кўрингчи, ўша студиялардан. Лекин менда бор, ўлмас ашулалар.

Яна бир нарса. Ёшларимизнинг енгил-елпи, мазаматрасиз қўшиқларга берилиб кетишларида бир жиҳатдан овоз ёзиш студияларининг роқ ҳамма гап ўша чет мусиқа асбобини миллийликка бўйсундира олишда холос.

— Эшитишимча, сизнинг санъаткор бўлиб камол топишингизда отангизнинг ҳиссаси катта.

— Ҳа, раҳматли отам Шоънемат Шораҳмедов санъаткор одам эдилар. Оилада олти ўғилмиз. Қизлар йўқ. Мен энг кенжа фарзандман. Акаларимнинг ҳаммалари бошқа соҳалардан кетишган. Фақат менгина отамнинг изларидан борганман. Отам биз фарзандларига бир гапни кўп такрорлагувчи эдилар.

— Ўғилларим, мен сизларнинг ҳар бирингизга биттадан машина олиб миндиролмадим, ҳаммангизга алоҳида-алоҳида участка қуриб беролмадим. Лекин сизларни ҳалол, тўғрисўз, меҳнаб, кўриб-билиб юриб, сўнгра аҳду-паймонни бирерга қўйиб, турмуш қурганмиз. Иккита қизчамиз бор: Сабоҳат ва Сарвиноз.

— Севиб турмуш қурган кишиларда рашк туйғуси кучли бўлади, дейишади...

Тўғри, бироқ рашкни ишонч енгади. Эру-хотин ўртасида, аввало, бир-бирига ишонч барқарор бўлиши лозим. Қолган барча икир-чикирлар иккинчи даражали. Санъаткорнинг оиласи билан кўпчилик қизиқади. Муҳими, хонанда ўзи қуйлаган қўшиққа амал қилиб яшаши керак.

— Шомаҳмуд ака, бу савол барча мухлисларингиз номидан десам муболаға бўлмайди. Нима учун овоз ёзиш студияларида сизнинг қўшиқларингиз ёзилган магнит ленталари йўқ?

— Ашулаларимни овоз ёзиш студияларига тарқари ҳам айбдор деб ўйлайман.

— Тўйнинг файзли, чиройли ўтиши санъаткорларга боғлиқ. Лекин айрим жойларда қўшиқчини шундай ерга уриб юборишадики... Албатта, ичиб олиб. Бизда одамлар ичишни ҳам билишмайди. Келин-куёвга рухсат берилганидан сўнг ҳам тун ярмигача санъаткорни қўшиқ айтишга мажбур қилишади. Енгил қўшиқларни куйлашга ўзимиз мажбурмиз. Чунки тўйларда шундай ашулалар урф бўлган. Аввалари хонанда куйлаганда ҳамма жим ўтириб тинглар экан. Ҳозир эса ҳамма ўйнайди, даврада оёқ босгани жой қолмайди.

Тўғри, тўйда ўйин-кулги қилиш керак. Лекин ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бўлади-ку. Тағин битта ашулани қайта-қайта сўрашаверади. Худди пластинкадек битта ашулани ҳадеб куйлашавериш қўшиқчининг ҳам, бошқаларнинг ҳам иконига тегади.

— Қўшиқни асосан қай вақтда яратасиз?

— Қачон илҳом келса, шунда. Баъзан тўйдан ҳориб-чарчаб келганимда дутор ёки танбур, ёҳуд тор чалиб ҳордиқ чиқаргим келади. Шундай вақтларда қўшиққа мўлжаллаб қўйган шеърларни олиб, ўзимча ҳиргойи қилиб ўтираман. Бирон шеър маъқул тушиб қолса, уни қайта-қайта ўқиб лаззатланаман. Кейин шу ашъорга монанд куйнинг ўзи ҳам тасаввуримда туғиларади. Баҳодир Абдурасулов, Комилжон, Омон Худойберганов, Воҳиджон Мирзалиев сингари созандаларим билан доимо бирга ижод қиламиз.

— Охирги, анъанавий савол...

— Демак, суҳбатимиз охирлаб қолибди-да. Янглишмасам, тилакларимни сўрамоқчисиз. Газетхонларга бир дунё тилакларим бор. Ўлмас қўшиқлар уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Бемаҳал ўлимдан, қуруқ туҳматдан ҳаммамизни Оллоҳнинг ўзи асрасин. Доимо соғ бўлишсин.

*

Шомаҳмуд Шораҳмедов ижро этган «Янги ой чиққан кеча», «Соғиндингму?», «Кечирсин», «Йиғлайман», «Сендан кетаман» ва бошқа талайгина дилтортар, [illegible] билан бирга дилўртар қўшиқларни шинавандалар севиб тинглашади. Шахсан ўзим ҳам бу хонанданинг ашаддий мухлисиман.

— Сизнинг олдингизда ҳижолатдаман, — деди Шомаҳмуд ака хайрлашаётиб. — Шеърларингиз анчадан буён қўлимда-ю, ҳали биронтасиниям куйлолганим йўқ. Илҳом келмаяпти-да. Насиб қилса, яқин орада икки-учтасини қўшиқ қилиш ниятидаман. Янги шеърлардан бўлса олиб келинг.

Биз у билан яна учрашишга келишиб, хайрлашдик.

Шуҳрат бек ДЕҲҚОН.

Ўзбекистон прокуратураси хабар қилади

Қонунбузарликка чек қўйилди

Барча жабҳада қонун доирасида иш юритгандагина ва бу қонунларга қатъий риоя этилгандагина ҳуқуқий давлатни қура оламиз. Ўзбошимчалик билан ҳар ким билганича қонун яратаверса, қонунчиликка путур етади. Яқинда Хоразм вилояти прокуратураси ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида қонунлар ижросини ўрганиб чиқиб, антиқа ҳолларга дуч келди: Урганч шаҳридаги қатор мактабларда дарсга кечикиб келган ўқувчилардан 10 сўмдан, дарсни қолдирганлардан 25 сўмдан, мактаб ҳудудида тозаликка риоя қилмаганлардан 50 сўмдан жарима олиш жорий этилган. Прокуратура аралашгунга қадар юзлаб ўғил-қизлар ҳаллослаганча мактабга етиб келишарди. Кеч қолишса, тангалаб йиққан пулларини маъмуриятга топширишарди. Билим даргоҳига болалар завқ-шавқ билан эмас, қўрқа-писа, чўнтак ушлаб келадиган бўлиб қолишган.

Прокуратура мактаблар раҳбарларининг бундай ўзбошимчалигига чек қўйди. Ўнлаб айбдорлар жазога тортилди. Улар орасида мактаб директорларидан тортиб шаҳар халқ таълими бўлими мудири К. Бердиевгача бор.

●

«Қадр қилинг бир бор яшашни
Дилозордан сақланинг, дўстлар»

Бу каби самимий сатрлар муаллифи наманганлик шоир Эргаш Ёндош эди. Афсуски, кўпчиликка яхши таниш бўлган истеъдодли қаламкашнинг ҳаёти бевақт тўхтади: ўтган йили бир безори томонидан ноҳақ калтакланди. Яқинда шоирнинг қотили Кескирпўлат Ҳакимов Наманган вилоят прокуратураси томонидан ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. «Қилмиш-қидирмиш» деганлари рост экан. Суд уни олий жазо — отишга ҳукм қилди.

Ф. ҚИЛИЧЕВ.
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси матбуот маркази раҳбари.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

Яқинда Тошкентдаги халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг муҳташам, саройи Юнусобод тумани ўқитувчи ва ўқувчилари, Халқ таълими вазирлиги масъул ходимлари, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда «Санъаткор ўқитувчи-93» ва «Илҳом чашмалари» кўрик-танлови қатнашчиларининг якунловчи дастури намойиш этилди. Кўрик иштирокчилари ижро этган қўшиқ, рақслар, фольклор дасталарининг чиқиши, «Бойчечак», «Қалдирғоч» гуруҳларининг шўх яллалари йиғилганларга олам-олам завқ бағишлади.

Халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов ва туман халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси С. И. Курепина ғолиб чиққан ҳаваскорларга фахрий ёрлиқлар топширди. Кўрикда I-ўринни олган 260 ва 265-мактаб дасталарига 10000 сўм, 2-ўринни эгаллаган 21-мактабга 7000 сўм, 3-ўринни қўлга киритган 274 ва 253-мактабларга эса 5000 сўмдан пул мукофотлари берилди.

М. ВАЛИЕВА.
Тошкент шаҳри.

«Чўлпон» совғалари

Ноширлар учун ўқувчилар дили-ю, дидига мос китоблар чоп этишдан ортиқ қувонч бўлмаса керак. Тўпламлар рангли бўлса, сифатли қоғозларга босилса, ундан ҳам яхши. Афсуски, бугунги иқтисодий қийинчиликлар матбаа ишларига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Қоғоз нархи, босмахона харажатларининг бир неча баробар ортиши оқибатида китоб чоп этиш кескин камайди. Аммо шундай бўлса-да, кўплаб нашриётлар ўз китобхонларига бадиий пишиқ, ранг-баранг мавзулардаги адабиётларни тортиқ этиш борасида изланиб, бутун имкониятларини ишга солмоқдалар.

«Чўлпон» нашриёти ҳам ўзининг жажжи ихлосмандларига атаб талайгина янги китобларни нашрдан чиқарди.

Ана шундай қизиқарли китоблардан бири шоира Дилором Исҳоқованинг «Тошсултон», номли эртаклар тўпламидир. «Тошсултон»дан Дилором опангизнинг «Тошсултон», «Темирчи», «Ҳақиқат кўзгуси», «Айёр малика» сингари эртаклари ўрин олган. Ранг-баранг суратларга бой бу китобчани Хуршида Камолова безаган. 35 минг нусхада чоп этилган бу китобча болаларга, албатта, маъқул бўлиши шубҳасиз.

«Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда Ширинбулоқ томонда Нозикой деган бир қиз яшаркан. Нозикойга қеч нарса ёқмас экан...».

Нега дейсизми? Бунинг сабабини Олим Маҳкамнинг «Сеҳрли қудуқ» номли рангли-безакли китобчасидаги «Тантиқой ва хизматкор» номли эртакни ўқиб билиб оласиз. Шоир, бир неча тўпламлар муаллифи Олим Маҳкам бу китобида жажжи кичкинтойларни дўстликка, тўғриликка, меҳнатсеварликка, сахийликка чорлайди.

Ўзбек халқ эртакларидан ташкил топган «Фил билан хўроз» китоби ҳам ёш дўстларимизга манзур бўлади, деган ниятдамиз. Китобни варақласангиз мусаввир Абдувосит Қамбаровнинг анчагина изланганлигининг гувоҳи бўласиз. Тўпламдаги «Шум тулки», «Тулки билан турна», «Қизғанчиқ ит» каби кўплаб эртаклардаги воқеалар асосан рангли расмлар орқали баён этилган. Китобчанинг мана шу хусусияти уни янада ўқимишлилигини таъминлаган. 35 минг нусхада чоп этилган бу китобчага шоир Рауф Субҳон муҳаррирлик қилган.

Компьютерлар ҳақида эшитган бўлсангиз керак. Аммо уларнинг нима эканлиги, фаолиятлари нималардан иборатлигини болаларнинг кўпчилиги билмаса керак. Компьютерларга бўлган этиёж эса кундан-кунга ортиб бормоқда

Китобсевар болалар Қудрат Дўстмуҳаммаднинг «Нолжон ва Биржон» номли китобчасини ўқиб компьютерлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари мумкин. «Нолжон ва Биржон» қиссаси кичик мактаб ёшидаги болаларга тушунарли, равон ва содда тарзда ёзилганлиги билан эътиборга лойиқдир. Китобни ўқиган ўқувчи қисса қаҳрамони Даврон билан бирга компьютерлар оламига саёҳат қилади. Китобча 25 минг нусхада чоп этилган.

Кейинги йилларда китобхонларнинг тарихимиз, динимиз тарихи, одоб ва ахлоққа оид мавзулардаги китобларга қизиқишлари сезиларли даражада ортди. Шуни назарда тутиб, нашриёт бир неча тўпламни нашрга тайёрлади.

«Ҳикматнома» китоби нашрдан чиққан шу туркумдаги тўпламдир. Мазкур китобдан асосан шарқ донишмандлари — Мустафо Ҳомий пошшо, Абдул Қодир Нурий ал-Барзанжий, Ғулом Муҳаммад Восиф ва яна бир қатор адибларнинг асарлари ўрин олган. Асарларда ота-онани ҳурматлаш, қариндош-уруғларни эъзозлаш, дўстлик борасида сўз боради. Араб, форс ва турк тилларидан бу асарларни Маҳмуд Ҳасаний таржима қилган. «Ҳикматнома» ёшларни ахлоқий пок, ҳақиқий инсон бўлиб етишишга ундайди. Китоб сўнгида берилган чистонлар ўқувчининг тафаккурини чархлайди.

«Чўлпон» нашриёти нашрдан чиқарган шоир Омон Матжоннинг «Қуш йўли», ёзувчи Ҳамроқул Ризонинг «Ўғирланган болалик» сингари шеър, қисса ва ҳикоялар тўпламлари ҳам қизиқарлилиги, бадиий пухталиги билан ўқувчилар эътиборини қозонади, деган умиддамиз.

Абдураҳмон АКБАР.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Яқинда таниқли санъаткор Зикир Муҳаммаджонов билан Паркент туманидаги Собир Раҳимов ва Ҳамид Олимжон номли ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари учрашувида истиқлол ва мустақиллик мафкураси мавзуида, хусусан, адабиёт ва санъат вакилларининг мафкура соҳасида олиб бораётган ишлари тўғрисида сўз юритилди, савол ва жавоблар бўлди.

Тадбир сўнггида Зикир Муҳаммаджонов Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек образлари яратилган асарлардан парча ва монологлар ижро этиб берди.

М. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис), Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58, 52-35.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000040.
Буюртма Г—239. 117209 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти 20.00.
Босишга топширилди — 18.00.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 123456